БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 55 (16.745). | 6 март 1977 йил, якшанба | Баҳоси 2 тийин.

Улуғ Октябрь шарафига меҳнат вахтаси авж олмоқда. Суратларда (юқоридан пастга) Тошкент тўқимачилик комбинати илғор тўқувчилари Зулайҳо Қамбарова ва Назира Муҳаммаджонова ҳамда Марғилон ипак комбинатининг зарбдор ишчиси Х. Мамасолиева.

Ж. Тўраев ва А. Кудряшов фотолари.

СОВЕТ ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА

Азиз совет аёллари! Ватанимизнинг шонли қизлари!

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий Комитети Сизларни Халқаро хотин-қизлар куни, ўз ҳуқуқлари учун, демократия ва социализм учун, ер юзида мустаҳкам тинчлик учун курашда барча мамлакатлар меҳнаткаш хотин-қизларининг интернационал бирдамлик куни — 8 Март билан астойдил, самимий табриклайди! Бизнинг мамлакатимизда бу байрам зўр сиёсий ва меҳнат жўшқинлиги, КПСС XXV съезди тарихий қарорларини бажариш учун, Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун умумхалқ кураши вазиятида нишонланмоқда.

Совет ҳокимияти тонготарида Владимир Ильич Ленин бундай деб ёзган эди: «...халқаро ишчи хотин-қизлар кунида дунёнинг барча мамлакатларидаги ишчи хотин-қизлар ўзларининг беҳисоб кўп мажлисларида мисли кўрилмаган қийин ва оғир, бироқ буюк, оламшумул буюк ва чинакам озодлик ишини бошлаган Совет Россиясини табриклайдилар». Ҳозир биз социализм орзудан жонли реалликка айланган, қудратли жаҳон системаси бўлиб қолган замонда яшаяпмиз. Бизнинг социалистик мамлакатимизда хотин-қизлар учун ўз руҳий ва маънавий кучларини ҳар томонлама ривожлантириш, меҳнат ва ижодкорликнинг ҳамма соҳаларида юксак натижаларга эришиш, жамоат ва давлат ишларини ҳал этишда қатнашиш имкониятлари кенг очиб қўйилган. Бизнинг жамиятимизда хотин-қизларнинг мавқеи, уларнинг актив роли ер юзидаги барча қитъалар меҳнаткаш хотин-қизлари учун жозибадор намуна бўлиб қолди.

Миллион-миллион ватандош аёлларимизнинг бахтли тақдири мамлакатнинг қаҳрамонона таржимаи ҳолида ўз ифоласини топган. Ватан ленинчи большевиклар жанговар авлодига мансуб бўлган, Октябрь революцияси ва гражданлар урушида қатнашган шонли революционер аёллар хотирасини эъзозлайди. Ватан дастлабки беш йилликлар давларида ўз оталари, ака-укалари, эрлари билан биргаликда заводлар барпо этган, йўллар қурган, янгидан-янги шаҳарлар бино этган, колхоз ва совхозлар тузиб, уларни мустаҳкамлаган, Улуғ Ватан урушининг даҳшатли йилларида жасорат ва матонат, шон-шавкат ва қаҳрамонлик мўъжизаларини кўрсатган, уруш натижасида вайрон бўлган халқ хўжалигини қайта тиклаган, ривожланган социалистик жамиятни бунёд этишга жуда катта ҳисса қўшган аёлларни ардоқлайди. Умумхалқ номидан уларга ҳурмат бажо келтириб, шон-шарафлар деймиз!

Бинобарин, бугун хотин-қизлар коммунистик қурилишнинг ҳамма соҳаларида завқ-шавқ билан меҳнат қилмоқдалар. Улар Совет ҳокимиятининг юбилейини янги меҳнат туҳфалари билан, ижодий зафарлар билан кутиб олишга ҳозирлик кўрмоқдалар. Бутун мамлакат улардан — саноат ва транспортда ишлаётган, қишлоқ хўжалигида меҳнат қилаётган аёллардан, врачлар ва педагоглардан, маиший хизмат ходимларидан, фан ва санъат арбобларидан миннатдордир. Азиз хотин-қиз ўртоқлар, Сизларнинг Ватанга меҳр-муҳаббатингиз, маҳорат ва тажрибангиз, Сизларнинг оналик долг-ингиз ва қайноқ қалбингиз бундан буён ҳам коммунизм ишига, Ватанимизнинг моддий ва маънавий бойликларини кўпайтиришга, Октябрнинг улуғ идеаларига садоқатли ёш авлодни тарбиялашга хизмат қилаверсин!

Советлар мамлакатида одамларнинг фаровонлигини муттасил ошириш учун, уларнинг бахт-саодати учун ҳамма иш қилинмоқда. Социалистик инсонпарварлик қонунларига кўра оналар алоҳида ғамхўрлик ва эътибор билан қуршаб олинган. КПСС XXV съезди қарорларида хотин-қизлар меҳнати, турмуши ва ҳордиқ чиқариш шароитларини янада яхшилаш, уларнинг жамият ҳаётида тобора актив иштирок этишини таъминлаш тадбирлари белгилаб берилди.

Совет хотин-қизлари ўзларининг бахт-саодати, оилаларининг бахт-саодати, болаларининг келажаги Ватан тақдиридан, унинг муваффақиятлари ва ютуқларидан ажралмас эканлигини биладилар. Умидворлик туйғуларига тўлиб-тошган совет аёллари келажакка комил ишонч билан назар ташлайдилар, ўз фикр-зикрлари ва муддаоларини КПСС-нинг ленинча ички ва ташқи сиёсати билан боғлайдилар. Совет хотин-қизлари тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун, халқлар озодлиги ва мустақиллиги учун бундан буёнги курашнинг КПСС Марказий Комитети, унинг тинчлик учун толмас курашчи, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Сиёсий бюроси амалга ошираётган программасини астойдил қўллаб-қувватлайдилар.

Совет хотин-қизлари қардош социалистик мамлакатлардаги ўз дугоналари билан биргаликда капиталистик давлатлардаги, ривожланаётган мамлакатлардаги хотин-қизлар билан бирга уруш хавфига қарши, қуролланиш пойгасига қарши курашаётган, тинчлик ва социал тараққиёт учун, халқлар ўртасида ҳамкорлик ва дўстлик учун қатъият билан ҳаракат қилаётган барча кишилар билан интернационал бирдамлик ва дўстлик алоқаларини мустаҳкамламоқдалар.

Азиз совет хотин-қизлари, 8 Март Халқаро хотин-қизлар куни биз Сизларга сиҳат-саломатлик, меҳнатингизда янги катта муваффақиятлар, оилангизга бахт-иқбол, болаларингизга порлоқ йўл тилаймиз!

Социалистик Ватаннинг оташин ватанпарварлари бўлган совет хотин-қизларига шон-шарафлар!

Бутун ер юзининг меҳнаткаш хотин-қизларига қардошлик саломи!

Яшасин коммунизм бинокори, бутун дунёда тинчлик учун матонатли курашчи — улуғ совет халқи!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ЗВЕЗДНИЙДА КОСМОНАВТЛАРНИ КУТИБ ОЛИШ

«Салют-5» орбитал станциясида иккинчи экспедиция программаси ниҳоясига етди. Бу парвоз ердаги фанлар — геология ва геодезия, биология ва медицина, электроника, бошқариш тўғрисидаги фан ҳақида ғамхўрлик совет космик программасининг таянч нуқталари эканлигини яна бир бор кўрсатди. Виктор Горбатко билан Юрий Глазков ўзларининг космосдаги ўн саккиз кунлик командировкаси вақтида катта ҳажмдаги илмий ва инженерлик тадқиқотларини бажардилар, халқ хўжалиги манфаатларини кўзлаб мамлакатнинг турли районларини фотосуратга олдилар. Экипаждан кейин илмий багаж — «Салют-5» ичидаги икки экспедиция ишининг натижалари бўлган тушириладиган аппарат ерга етказилди. Бу маълумотлар илмий лабораторияларда ишлаб чиқилади.

5 март. Москва яқинидаги аэродром космонавтларни кутиб олишга тайёр. Қор босган арча дарахтлари фонида кирмизи байроқлар кўзга ташланиб турибди. Кутиб олувчилар орасида — Виктор Горбатко билан Юрий Глазковнинг каринтдош-уруғлари ва дўстлари, олимлар, ракета-космик системаларининг ижодкорлари, космонавтлар тайёрлаш марказининг раҳбарлари бор.

Осмон лайнерининг эшиги очилади. 1977 йилги учувчи бошқарган дастлабки парвознинг қаҳрамонлари зинапоядан ерга тушадилар. Командир бажарилган программа тўғрисида қисқача рапорт беради. Звезднийнинг ёш гражданлари космонавтларга чинни гуллар тақдим этадилар.

Виктор Горбатко ва Юрий Глазков кутиб олувчилар билан биргаликда Юрий Гагарин хайкали супасига гуллар қўйиб, Маданият уйи томон йўл оладилар. Бу ерда бўлиб ўтган митингда олимлар, конструкторлар, космонавтлар сўзга чиқдилар.

Экипаж командири Виктор Горбатко ўз нуткида КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Салют-5» орбитал станцияси экипажига йўллаган самимий табрикномаси учун унга қизғин миннатдорчилик изҳор этди.

Анъанага кўра Звездний шаҳарчасидаги тантанали кутиб олиш маросими экипажга рамзий «Старт калитларини» топшириш билан тугади.

Митинг қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, СССР Министрлар Советига баланд руҳ билан табрикнома қабул қилдилар.

Мутахассислар шу куни экипажнинг иш ҳисоботини тинглайдилар. Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига бағишланган космик парвозга аъло баҳо берилди.

Звездний шаҳарчаси.

Н. ЖЕЛЕЗНОВ,
ТАСС махсус мухбири.

ВАТАН ЎЗ ҚИЗЛАРИНИ ШАРАФЛАМОҚДА

ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ

Мамлакатимизда халқаро хотин-қизлар куни ҳамиша алоҳида самимият билан қизғин нишонланади. Чунки мамлакат аёллари Совет ҳокимияти учун революцион курашчилар сафларида оталари, эрлари ва ака-укалари билан ёнма-ён туриб курашдилар, Улуғ Ватан уруши алангаларидан бирга ўтдилар. Беш йилликларнинг янги қурилишларида, колхозлар ва совхозларнинг саховатли экинзорларида, жаҳон илм-фан кашфиётларида, маданият ютуқларида уларнинг меҳнати бор. Аёлларнинг меҳрибонлиги ва ардоғи билан фарзандларимиз камол топади.

Бу йил ана шу байрам давлатимизнинг 60 йиллик тарихи билан нурафшондир. Совет хотин-қизлари ўзларининг жамиятдаги тенг ҳуқуқлари учун, меҳнатдаги жамики муваффақиятлари учун совет халқига эркин, ижодий, бахтли ҳаёт йўлини очиб берган Коммунистик партия, Улуғ Октябрдан миннатдордирлар.

ССР Иттифоқи Большой театрида 5 март куни иттифоқдош республикалар, Россия Федерацияси ўлкалари ва областларининг намояндалари халқаро хотин-қизлар куни — 8 Марта бағишланган тантанали йиғилишга тўпландилар.

Йиғилиш аҳли Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, Ф. Д. Кулаков, Д. Ф. Устинов, М. А. Суслов, В. В. Щербицкий, Н. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, К. Ф. Катушев, М. В. Зимянин, К. У. Черненко, Я. П. Рябов ўртоқларни давомли қарсаклар билан кутиб олди. Улар билан бирга президиумда СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, Москва корхоналарининг илғор ишчи хотин-қизлари, далаларнинг донгдор меҳнаткаш хотин-қизлари, фан ва маданият ходимлари, таниклик жамоат арбоблари бор эди.

Залда ўз меҳнати билан Ватаннинг шуҳратига-шуҳрат қўшган кишилар — саноат турли тармоқларининг ишчилари, атоқли колхозчи аёллар, олимлар, маданият арбоблари, Улуғ Ватан урушининг ветеранлари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари ўтиришибди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси якдиллик билан фахрий президиумга сайланади.

Йиғилишни КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари Р. Ф. Дементьева очди. У КПСС Марказий Комитетининг Совет хотин-қизларига табригини ҳозир бўлганларнинг гулдурос, давомли қарсаклари остида ўқиб эшиттиради.

Совет хотин-қизлар комитетининг раиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси В. В. Николаева-Терешковага сўз берилади. У қизғин табрик сўзлари учун, коммунистик қурилишда хотин-қизларнинг ролига юксак баҳо берилганлиги учун партия Марказий Комитети, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ва шахсан ўртоқ Л. И. Брежнев халқ бахт-саодати тўғрисида, хотин-қизлар тўғрисида қилаётган катта ғамхўрлик учун КПСС Марказий Комитетига ҳиссиёт ва ҳаяжонлар ичида ўз миннатдорлигини билдирди. Москва корхоналарининг илғор ишчи хотин-қизлари, далаларнинг донгдор меҳнаткаш хотин-қизлари, фан ва маданият ходимлари, таниклик жамоат арбоблари бор эди.

Залда ўз меҳнати билан Ватаннинг шуҳратига-шуҳрат қўшган кишилар — саноат турли тармоқларининг ишчилари, атоқли колхозчи аёллар, олимлар, маданият арбоблари, Улуғ Ватан урушининг ветеранлари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари ўтиришибди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси якдиллик билан фахрий президиумга сайланади.

Йиғилишни КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари Р. Ф. Дементьева очди. У КПСС Марказий Комитетининг Совет хотин-қизларига табригини ҳозир бўлганларнинг гулдурос, давомли қарсаклари остида ўқиб эшиттиради.

Совет хотин-қизлар комитетининг раиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси В. В. Николаева-Терешковага сўз берилади. У қизғин табрик сўзлари учун, коммунистик қурилишда хотин-қизларнинг ролига юксак баҳо берилганлиги учун партия Марказий Комитети, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ва шахсан ўртоқ Л. И. Брежнев халқ бахт-саодати тўғрисида, хотин-қизлар тўғрисида қилаётган катта ғамхўрлик учун КПСС Марказий Комитетига қардошлик саломини йўллаймиз. Биз социалистик мамлакатларнинг хотин-қизлари ҳамда халқларига дўстлик ва ҳамкорлик туйғуларимизни яна бир марта изҳор этиб, социалистик ҳамдўстликни мустаҳкамлаш йўлида, ўз халқларининг бахт-саодати йўлида уларга янги меҳнат зафарлари тилаймиз.

РСФСРда хизмат кўрсатган қурувчи, 1-Уйсозлик комбинати комплекс бригадасининг бошлиғи А. М. Суровцев совет меҳнаткаш хотин-қизларини москваликлар номидан байрам билан қизғин табриклади.

КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарорини Москванинг барча меҳнаткашлари сингари қурувчилар ҳам зўр завқ-шавқ билан қутиб олдилар. Комбинат коллективи партиянинг шонли юбилейини меҳнатда янги ғалабалар билан нишонлаш тўғрисидаги даъватига жавобан уй-жой майдонларини ишга туширишни юзасидан беш йилликнинг икки йиллик планини 1977 йил 1 декабрга қадар бажариш мажбуриятини олди. Бизлар учун 16 апрель — коммунистик шанбалик куни Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган мусобақада муҳим босқич бўлиб қолади. Уйсозлар ўша куни энг юқори меҳнат унумдорлигига эришишга, 16 қаватли уй қуриб беришга, 350 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришга аҳд қилдилар. Бу кўрсаткичлар биз ўтган йили шанбаликда эришган кўрсаткичлардан юқори бўлади.

Мусобақа пешқадамлари орасида биздан анчагина аёллар бор, деб сўзини давом эттирди А. М. Суровцев. Улар қурилишдаги зарбдор меҳнатни ижтимоий фаолият билан қўшиб олиб бормоқдалар. Комбинатимиз хотин-қизларидан 12 киши меҳнаткашлар депутатлари Москва шаҳар ва район Советларига депутат қилиб сайланган. Кўпгина аёллар пропагандист, агитатор, касаба союзлари ва комсомол активларидир. Юзлаб аёллар техникумлар ва олий ўқув юртларида сиртдан ва кечқурун ўқимоқдалар, курсларда малакаларини оширмоқдалар, бадиий ҳаваскорлик коллективларида иштирок этмоқдалар, спорт билан шуғулланмоқдалар. Яна улар оила тўғрисида, болалар тўғрисида ҳам ғамхўрлик қиладилар. Азиз хотин-қизларимиз, олижаноб меҳнатингиз учун сизларга катта раҳмат!

Москва область Серпухов районидаги «Заокский» совхози сабзавоткорлар бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофотининг лауреати Г. И. Рибакова ўз сўзида совет кишилари тўғрисида, меҳнаткаш хотин-қизлар тўғрисида партия ғамхўрлиги барча меҳнат муваффақиятларининг негизи эканлигини таъкидлаб ўтди. Шунинг учун ҳам мен бугун, деди у, хотин-қизлар байрами арафасида партия Марказий Комитетига, Марказий Комитет Сиёсий бюросига, азиз Леонид Ильичга қишлоқ меҳнаткаш аёлларига нисбатан эътибор учун, мамлакатнинг хотин-қизлари тўғрисидаги ғамхўрлик учун чин кўнгилдан энг самимий ташаккур сўзларини изҳор этишни истайман. Партия Марказий Комитети Сиёсий бюроси, Леонид Ильич Брежнев Москва атрофини қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши интенсив равишда юксак ривожланган областга айлантириш вазифасини қўйди. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «РСФСР нинг ноқоратупроқ зонаси қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори кенг истиқболлар очиб беради. Партия бизнинг олдимизга катта вазифа қўймоқда. Биз бу вазифани ўз меҳнатимиз билан амалга оширамиз.

В. И. Ленин номли Москва педагогика институтининг студенти Ирина Волгина тантанали йиғилиш иштирокчиларини, улар орқали барча совет хотин-қизларини пойтахт ёшлари, студентлари номидан табриклади. Меҳнаткаш хотин-қизлар, оналар, биз бугун мана шу байрам кунида, деди у, меҳр-муҳаббат ва ташаккур тўла сўзларимизни сизларга қаратамиз! Биз сизлар билан фахрланамиз ва ажойиб Октябрь Ватанида яшаётганлигимиз, она-Ватаннинг, ленинчи партиямизнинг меҳрибонлигини ҳар куни сезиб турганлигимиз билан бахтиёрмиз. Ана шу меҳрибонлик учун, бахтиёр ёшлигимиз учун, Ватаннинг тинч қучоғида яшаётганлигимиз учун жонажон Коммунистик партияга катта раҳмат.

Пойтахт пионерлари йиғилиш иштирокчиларини байрам билан табриклидилар.

Йиғилиш аҳли КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советига баланд руҳ билан табрикнома қабул қилдилар.

(ТАСС).

Меҳнаткаш хотин-қизларга, оналарга шон-шарафлар!

Ўзбекистон диёрига шодиёна байрам — Халқаро хотин-қизлар куни гуллар, қўшиқлар, табассумлар билан кириб келди.

5 март куни Алишер Навоий номли Давлат Академик опера ва балет катта театрида бўлиб ўтган тантанали йиғилиш ана шу шонли санага бағишланди. Партия съездларининг делегатлари, Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига ўтказилаётган социалистик мусобақа ғолиблари бўлган донгдор меҳнатчи хотин-қизлар, Шарқ хотин-қизларини озодликка чиқариш ҳаракатининг ветеранлари — бундан эллик йил муқаддам эскиликка қарши ҳужум бошлаган кишилар бу ерга келдилар.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари Ҳ. Ё. Ёқубжонова очди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги ленинчи Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси гулдурос қарсаклар остида фахрий президиумга сайланди.

Ўзбекистон Касаба союзлари республика Советининг раиси Н. М. Маҳмудова тўпланганларга табрик сўзлари билан мурожаат қилди. «Ташсельмаш» заводининг тунукасоз слесари М. Мўйдинов, Чиноз наслчилик совхоз-техникумининг сут қуқувчиси Н. И. Письменная, Тошкент Давлат университетининг студенти Х. Ҳакимжонова ўз нутқларида ўзбек хотин-қизларининг бахтли тақдири тўғрисида, мамлакатимизда меҳнаткаш хотин-қизлар, оналар ҳақида зўр ғамхўрлик қилинаётганлиги тўғрисида, партия XXV съезди белгилаб берган улуғвор режалар ҳақида гапирдилар.

Тантанали йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар И. Г. Анисимкин, И. Р. Курбонов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусаҳонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, А. А. Ҳўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. Маҳмудов, Э. Б. Нордман, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, С. Мамарасулов, М. Т. Турсунов, А. Р. Ҳўжаев иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

КОСМОНАВТ-УЧУВЧИ ЎРТОҚ Ю. Н. ГЛАЗКОВГА СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

«Салют-5» орбитал илмий станциясида ва «Союз-24» транспорт кемасида муваффақиятли учанлиги ҳамда айни вақтда мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун космонавт-учувчи ўртоқ Юрий Николаевич Глазковга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилиб, Ленин ордени ва «Олтин юлдуз» медали топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1977 йил 5 март.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ СССР КОСМОНАВТ-УЧУВЧИСИ ЎРТОҚ В. В. ГОРБАТКОНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ ВА ИККИНЧИ «ОЛТИН ЮЛДУЗ» МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

«Салют-5» орбитал илмий станциясида ва «Союз-24» транспорт кемасида муваффақиятли учанлиги, ҳамда айни вақтда мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси ўртоқ Виктор Васильевич Горбатко Ленин ордени ва иккинчи «Олтин юлдуз» медали билан мукофотлансин.

Совет Иттифоқи Қаҳрамони ўртоқ В. В. Горбаткони жасоратини нишонлаш юзасидан қаҳрамоннинг юртида унинг бронза бюсти ўрнатилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1977 йил 5 март.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ Ю. Н. ГЛАЗКОВГА «СССР КОСМОНАВТ-УЧУВЧИСИ» УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

«Салют-5» орбитал илмий станциясида ва «Союз-24» транспорт кемасида космосга парвоз қилганлиги учун ўртоқ Юрий Николаевич Глазковга «СССР космонавт-учувчиси» унвони берилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1977 йил 5 март.

ЛЕНИН ВА ОКТЯБРЬ–БИЗНИНГ ТАҚДИРИМИЗДА

ПОРЛОҚ ТАҚДИР САРЧАШМАСИДА

Ҳурматли газетхон!

Бутун дунё меҳнаткашларининг улуғ доҳийси В. И. Ленин ўзининг ўлмас асарларида Шарқ халқларининг жаҳон тарихида тутган ўрни ва меҳнаткашлар оммасининг капитализмни ағдариш ва социализм тантанаси йўлида олиб борган курашдаги ролини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб, атрофлича ёритиб берди. Ленин Урта Осиё халқларининг тарихий тақдирига алоҳида эътибор берган эди.

Владимир Ильич ўз асарларида миллий масалани ҳал қилишда Коммунистик партия сиёсатининг асосий қоидаларини таърифлаб берди ва шундай қилиб, Совет мамлакатидаги қардош халқларнинг бузилмас дўстлигига, уларнинг маънавий-сиёсий бирлигига зўр пойдевор қуриб берди. Шу мустаҳкам пойдевор устида бугунги кунда Совет Урта Осиёси, жумладан, Ўзбекистон халқларининг 60 йиллик тарихида беқиёс ўзгаришлар рўй берди. Шу жиҳатларга кўра, Улуғ Октябрнинг қутлуғ 60 йиллиги арафасида буюк устоз ва мураббий Владимир Ильич Урта Осиё халқлари тарихий тақдирида муҳим роль ўйнаган асарларидан баъзиларининг мазмуни ва аҳамиятини яна бир бор эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз. Бу тўғридаги материалларни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институти тайёрлаб бермоқда.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси мамлакатимиз халқлари тарихий тақдирида янги саҳифа очди. Коммунистик партия ягона ҳукмрон партияга айлангач, дунёда биринчи бўлиб социализмга йўл очди.

Партия социалистик қурилишнинг жуда кўп назарий ва амалий мураккаб проблемаларини ҳал этиб, янги жамиятнинг сиёсий ва иқтисодий асосини яратиб, ўзининг бутун фаолиятида халқ оммасининг тарихда ҳал қилувчи роль ўйнаши тўғрисидаги марксча-ленинча қоидага асосланди. Партия миллион-миллион меҳнаткашлар оммасини социалистик қурилишнинг улуғвор вазифаларини амалга оширишга сафарбар этди. Ўтмишдан мерос бўлиб қолган миллий тенгсизликни тугатиш, бир халқнинг иккинчи халқ томонидан эзилишига хотима бериш, миллатлар ўртасидаги ўзаро ишончсизликка чек қўйиш асосида миллий муносабатларни тубдан қайта қуриш ва мамлакатимиз халқларининг қардошларча ҳамдўстлигини яратиш энг муҳим вазифалардан бири эди.

Мамлакатимизда миллий масаланинг ҳал этилиши В. И. Ленин ва у асос солган Коммунистик партия номи билан чамбарчас боғлиқдир. Доҳиймиз В. И. Ленин илмий коммунизм асосчилари ғояларини империализм ва пролетар революциялари даври, социализм ва коммунизм қурилишининг тарихий шарт-шароитларига кўра ривожлантирди. У миллий масалани назарий ва амалий жиҳатдан ҳал этиш йўл-йўриқларини белгилаб, пролетар синфий курашини миллий зулмни тугатиш учун кураш билан, социализм учун курашни мазлум халқларнинг антиимпериалистик кураши билан бирлаштириш ғоясини илгари сурди ва буни асослаб берди.

В. И. Ленин миллий масалани жуда чуқур тушунган. Буни унинг мамлакатдаги турли миллий районларни ўрганишга қизиқиши, уларнинг ривожланиш қонуниятлари ва хусусиятларини тушуниши, халқларнинг миллий эҳтиёжлари ва орзу-умидларини билишга иштиёқи ҳам яққол кўрсатиб турибди.

Доҳиймиз ўзининг ўлмас асарларида халқлар тарихини чуқур назарий таҳлил этди ҳамда унинг жаҳон тарихидаги моҳиятини тушунтириб берди, ишчилар синфи ва меҳнаткашлар оммасининг капитализмни ағдариб ташлаш ва социализм учун кураш жараёнидаги ролини баён этди. У Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабасининг қонуниятларини очиб бериб, Шарқ халқларининг машаққатли капиталистик босқични четлаб ўтиб, феодализмдан тўғридан-тўғри социализмга ўтиш йўлини белгилаб берди. Россиянинг собиқ мустамлака ўлкаларида Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун курашнинг стратегияси ва тактикасини асослади.

Совет ҳокимияти миллий масалани ҳал этишда ўзининг В. И. Ленин раҳбарлигида тайёрланган илк ҳужжатларида Россияда яшовчи халқларни озод қилиш Декларациясини эълон қилди.

Советларнинг Бутунроссия II съездининг «Ишчилар, солдатлар ва деҳқонларга» деб номланган ҳамда Ленин томонидан ёзилган Мурожаатида Совет ҳокимияти Россияда яшовчи барча миллатларга ўз ҳуқуқини ўзи белгилашни таъминлайди, деб таъкидланганди.

Халқ Комиссарлари Советининг 1917 йил 2 (15) ноябрда В. И. Ленин раҳбарлигида қабул қилинган «Россия халқлари ҳуқуқларининг декларацияси» миллий зулм ва ўзбошимчалик сиёсатини, миллий адоватни қоралаб, халқлар ўртасида тўла ишонч ҳамда мамлакатнинг барча миллатлари, ишчи ва деҳқонлари иттифоқини мустаҳкамлашга олиб келадиган миллий сиёсат амалга оширилишини эълон қилди. Бу тарихий ҳужжат Россиядаги барча халқларнинг тенглиги ва суверенлигини, уларнинг ўз тақдирларини ўзлари эркинлик билан белгилашлари, ҳатто ажралиб чиқиш ва мустақил давлат тузиш ҳуқуқини, ҳамма ва ҳар қандай миллий имтиёз ва чеклашларни ҳамда миллий диний имтиёз ва чеклашларини, Россия территориясида яшовчи майда миллатларнинг ва этнографик группаларнинг эркинлик билан ривожланишини асос қилиб олишга қарор қилди.

Совет ҳукуматининг «Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига» қарата чиқарган 1917 йил ноябрь ойидаги Мурожаатида партия миллий сиёсатининг негизи асослаб берилди. **«Сизнинг дин ва урф-одатларингиз, сизнинг миллий ва маданий муассасаларингиз** — дея тантанали равишда таъкидлади Совет ҳокимияти Урта Осиё, Поволжье, Закавказье, Шимолий Кавказ, Сибирнинг мусулмон халқларига, — **бундан буён эркин ва даҳлсиз деб эълон қилинади. Ўз миллий турмушингизни эркинлик билан ва баҳузур тузаверингиз. Шундай қилишга ҳақлисиз. Билингизки, сизнинг ҳуқуқингиз ҳам Россиядаги барча халқларнинг ҳуқуқи каби революция ва унинг органлари бўлган ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Советларининг бутун қудрати билан ҳимоя қилинади».** Миллий ўлкалардаги ерли халқларнинг тилларида миллион-миллион нусхаларда босиб чиқарилган бу ҳужжат улар қалбидан беиҳтиёр чуқур жой олди.

Совет ҳокимияти бу принципларни эълон қилибгина қолмай, балки уларни амалга оширишга қатъий аҳд қилганлигини бутун дунё олдида намойиш этди. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида давлат ҳуқуқий қурилиши соҳасида қабул қилинган ва амалга оширилган қонунлар бунинг ёрқин далилидир.

В. И. Ленин таълим бериб айтдики, пролетариат диктатураси социалистик жамият қурилишининг асосий шарти ва энг муҳим қуролидир. Туркистонда Советлар формасидаги пролетариат диктатураси бутун Россия билан айни бир пайтда ўрнатилди. Бироқ, Туркистон капиталистик тараққиёт босқичини четлаб, бевосита социалистик йўлга ўтганлиги учун 1917—1918 йилларда бу ерда баъзи миллий Советлар, Туркистон Советлари ва Иттифоқларининг бирлашган секциялари шаклидаги оралиқ формалари мавжуд эди. Улар ўзининг составига кўра умумхалқ формалари эди. Пролетариат диктатурасининг умумий системасига кирган Туркистондаги бу умумхалқ Советлари маҳаллий меҳнаткашларнинг кенг оммасини совет қурилишига жалб этишда катта роль ўйнади.

В. И. Ленин Туркистон тажрибасига таяниб, Коммунистик Интернационалнинг II Конгрессида (1920 йил 26 июлда) миллий ва мустамлака масалалари комиссияси докладида бундай деган эди: **«Энг узоқ халқлар орасидаги барча меҳнаткашлар оммасига Советлар идеяси яқин эканлиги, бу ташкилотлар, Советлар капитализмдан илгариги ижтимоий тузум шароитларига мувофиқлаштирилмоғи лозимлиги қатъий суратда аниқланган».**

Туркистонда Совет ҳокимияти ўрнатилган дастлабки кунлардан бошлабоқ, давлат қурилиши юзасидан ўтказилган тадбирлар, социалистик қайта қуришлар маҳаллий эксплуататор синфларнинг ҳамда уларнинг ворислари бўлган бойлар, мулалар, миллатчиларнинг қаттиқ қаршилигига учради. Улар рус буржуазияси, чиновниклари, офицерлари билан бирлашиб, халққа қарши қаратилган буржуа байроғи остида 1917 йил ноябрь ойининг охирларида Қўқонда Ўлка мусулмонларининг IV съездида «Қўқон автономияси»ни эълон қилдилар. Шу йўл билан улар Совет ҳокимиятини ағдариб ташлашга умид боғладилар. Бироқ маҳаллий миллат меҳнаткашлари оммаси «Қўқон автономияси»ни қўллаб-қувватлаш у ёқда турсин, ҳатто уни тор-мор келтиришда актив қатнашдилар.

Аммо бу воқеалар Туркистонда миллий масаланинг ғоят муҳимлигини, миллий давлат тузиш лозимлигини тақозо этди. Туркистоннинг баъзи совет ходимлари бу ишда иккиланиб, ҳатто тўсқинлик қилганлигидан фойдаланган маҳаллий буржуазия халқнинг миллий туйғулари билан ўйнашиб, ўз фойдасига иш кўришга интилди.

В. И. Ленин ҳамда РКП(б) Марказий Комитети миллий масалани ҳал этишда Туркистон меҳнаткашларига жуда катта ёрдам бердилар. В. И. Ленининг ташаббуси билан Тошкентга П. А. Кобозев, О. Клеблеев, Х. Иброҳимов ва бошқалар юборилди. П. А. Кобозев Совет ҳукуматининг Туркистон бўйича фавқулодда комиссари қилиб тайинланган эди. О. Клеблеев билан Х. Иброҳимов Миллатлар Иши Халқ Комиссарлигининг вакиллари эди. Улар Туркистонда Советлар ҳокимиятини мустаҳкамлаш, маҳаллий партия ташкилотлари ишини жонлантиришда, ўлка меҳнаткашларига партиянинг ленинча миллий сиёсати моҳиятини тушунтириб беришда кўп иш қилдилар.

1918 йил апрель ойида Туркистон Советларининг V съезди РСФСРнинг таркибий қисми сифатида Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикасини тузиш ҳақидаги тарихий қарорни қабул қилди. Съездда сайланган 14 халқ комиссарлари орасида ерли аҳоли вакиллари ҳам бор эди.

В. И. Ленин ўлка халқларининг давлати тузилганлигини қизғин маъқуллади. Туркистон ўлкаси Советларининг V съездига В. И. Ленин ва И. В. Сталин имзоси билан табрик телеграммаси юборилди. **«Ўртоқлар, қимонингиз комил бўлсинки,** — дейилади телеграммада, — **Халқ Комиссарлари Совети ўлкангизнинг Совет негизида тузилган автономиясини қувватлаяжак; бошлаган ишингизни табриклаймиз ва Сизларнинг бутун ўлкада Советлар тузишингизга, мавжуд Советлар билан жуда аҳил ишлашингизга қаттиқ ишонамиз... Сизларнинг съездингизни табриклаш билан бирга, Сизлар тарих томонидан съездга юкланган вазифаларни муносиб равишда бажарасиз деб умид қиламиз».**

Туркистонда Совет автономиясининг эълон қилиниши Урта Осиё халқларининг миллий давлатчилиги шаклланишида дастлабки босқич бўлди. Бу ленинча миллий сиёсатнинг катта ғалабаси эди.

Р. РАЖАБОВА,
Ўзбекистон КПМК ҳузуридаги Партия тарихи институтининг катта илмий ходими, тарих фанлари кандидати.

МУТАХАССИСЛАР–ВСРГА

Тошкентдаги 57-ҳунар-техника билим юртини Вьетнам Социалистик Республикасида ҳам яхши билишади. Бу ерда токарлик, фрезерчилик, слесарлик касбларини эгаллаган ёш ишчилар ўз мамлакатларига бориб, катта ишларни бажармоқдалар. Улар мамлакатда социалистик қурилиш ишлари авж олиб кетган шу кунларда бу ишга катта ҳисса қўшмоқдалар.

Ўтган йили вьетнамлик 150 ёш мутахассис яхши малакага эга бўлди. Бу ўқув йилида эса билим юрти 160 дан ортиқ вьетнамлик йигит-қизларни ўз бағрига олди.

Совет ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш усталари вьетнамлик ёшларнинг яхши мутахассис бўлишлари учун курашмоқдалар. М. Алимова, И. Антонова, В. Копилова, Р. Аширов ва бошқа педагоглар қардош Вьетнам ёшлари ўртасида катта ҳурмат қозонишган.

Яқинда 57-ҳунар-техника билим юрти янги бинога кўчиб ўтди. Бу янги корпусда барча ўқув қуроллари ўрнатилган аудиториялар мавжуд. Бу ерда ўқитишни программалаштирувчи система, турли автоматик ускуналар ўрнатилган. Энди ҳунар эгалари сафини янада кенгайтириш мумкин.

Ш. ҲАБИБОВ.

«ҚИЗИЛ ШАНБАЛИК» ШАРАФИГА

«Янгиерводстрой» трестининг илғор ишчилари «16 апрель — энг юқори меҳнат унумдорлиги куни» деган шиорга асосланиб иш кўрмоқдалар. Трест бўлинмаларининг коллективлари техникадан самарали фойдаланишга, шанбалик куни 31 минг куб метр тупроқ ишлари бажаришга, икки юз метрлик дренаж шохобчаси ўтказишга, каналларга юз куб метр монолит бетон ётқизишга аҳд қилдилар. Шанбалик фондига тўрт минг сўм — 1976 йилдаги «Қизил шанбалик» кунидагига нисбатан 500 сўм ортиқ пул ўтказиш мўлжалланмоқда.

* * *

«Узсельхозтехника» Бухоро район бирлашмасининг меҳнатчилари коммунистик шанбалик куни топшириққа қўшимча равишда иккита тракторни ремонт қилиб берадилар. Гарифулла Валиуллин бошлиқ слесарлар бригадасининг аъзолари 16 апрель куни иккита смена нормасини бажариш, машиналарни тежаб қолинган материаллар ҳисобига ремонт қилиш мажбуриятини олдилар. Бошқа бригадалар ҳам бу ташаббусни қўллаб-қувватладилар. Бирлашма коллективи беш йиллик фондига 1700 сўм ўтказади.

* * *

Свердлов районидаги «Коммунизм» колхозининг механизатори Халил Рўзиев бригада йиғилишида дала ишларида иккита смена топшириғини бажараман, деб ваъда берди. У билан бирга меҳнат қиладиган ўртоқлари — Мастура Акрамова, Зуҳра Рамазонова ва бошқалар ҳам шундай мажбурият олишди. Колхозчилар меҳнат байрамини экиш-тикиш ишларида техникадан юқори унумли фойдаланиш билан нишонлашга аҳд қилдилар. Хўжалик ветеранлари, ремонтчилари, фермаларнинг ходимлари, ўқитувчилар болалар боғчаларининг тарбиячилари, юқори синф ўқувчилари ўн минг туп тут кўчат ўтказишга қарор қилдилар. (ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Фарғонада КПСС XXV съезди қарорлари асосида оммавий-сиёсий ишлар самарадорлигини оширишга бағишланган область илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Конференция катнашчилари оғзаки пропаганда ва кўргазмали агитацияни ташкил этиш борасида орттирилган тажрибаларни ўртоқлашдилар.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йиллик, самарали ишлари ҳамда Ўзбекистан ССР маҳаллий саноат корхоналарида янги техника ва илғор технологияни жорий этиш соҳасидаги катта хизматлари учун Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлиги давлат махсус бадиий конструкторлик-технология бюроси бошлиғининг ўринбосари Борис Миронович **Шкловерга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган саноат ходими» фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йиллик, самарали ишлари ҳамда корхонада янги техника ва илғор технологияни жорий этишдаги катта хизматлари учун Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлигининг Бухородаги «Октябрь 40 йиллиги» зардўзлик фабрикаси директори Робия Шариповна **Раҳматовага** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган саноат ходими» фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми саноатдаги кўп йиллик, самарали ишлари ҳамда халқ бадиий ҳунармандчилигини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлиги давлат махсус бадиий конструкторлик-технология бюросининг бадиий каштачилик мастери Маъруфа **Қўчқоровага** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган саноат ходими» фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми маҳаллий саноат корхоналари системасидаги кўп йиллик, самарали ишлари, техника билан қайта қуроллантириш, мукаммал технологияни жорий этиш соҳасидаги актив иштироки учун меҳнаткашлар депутатлари Андижон область Совети ижроия комитети маҳаллий саноат бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Абдулҳад **Исмановга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган инженер» фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми саноатдаги кўп йиллик, самарали ишлари, техника билан қайта қуроллантириш ва мукаммал технологияни жорий этиш соҳасидаги актив иштироки учун Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлигининг Тошкент бадиий буюмлар фабрикасининг бош инженери Абдурашид **Алимбоевга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган инженер» фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йиллик, самарали ишлари, ишлаб чиқаришни планлаштиришни такомиллаштиришдаги актив иштироки ҳамда бадиий ҳунармандчиликни ривожлантиришда ва корхона ишидаги иқтисодий кўрсаткичларни оширишда эришган муваффақиятлари учун Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлигининг Самарқанддаги «Труд женщини» гилам-бадиий фабрикаси план-ишлаб чиқариш бўлимининг бошлиғи Галина Ивановна **Кулиевага** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган экономист» фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми саноатдаги кўп йиллик, самарали ишлари ҳамда янги маҳсулотлар ва гулларнинг юксак бадиий намуналарини яратишдаги катта хизматлари учун Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлигининг Тошкент бадиий буюмлар фабрикаси каштачиси Фароғат **Маҳкамовага** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми саноатдаги кўп йиллик, самарали ишлари, эсдалик гиламларнинг янги гулларини ишлаб чиқиш ва яратишдаги ҳамда ишлаб чиқаришдаги катта хизматлари учун Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлигининг Хивадаги Крупская номли гилам тўқиш фабрикасининг гилам тўқувчиси Роска **Сафаевага** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йиллик, самарали ишлари ҳамда эсдалик гиламларнинг янги гулларини ишлаб чиқиш, яратишдаги ва ишлаб чиқаришдаги катта хизматлари учун Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлигининг Хивадаги Крупская номли гилам тўқиш фабрикасининг гилам тўқувчиси Омина **Ибодуллаевага** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йиллик, самарали ишлари, сопол буюмларнинг янги ноёб нусхаларини ва уларнинг гулларини яратиш ҳамда жорий этишдаги катта хизматлари учун Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлиги Риштон бадиий кулолчилик буюмлари заводи конструкторлик-технология бўлимининг рассоми Ҳакимжон **Сатторовга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йиллик, самарали ишлари, 1976 йил план топшириклари ва социалистик мажбуриятларини бажаришдаги актив иштироки учун Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлигининг бир группа ходимларини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

БАҲОР БАЙРАМИГА БАҒИШЛАБ

Тошкент бадиий буюмлар фабрикасининг кенг ва байрамона безатилган зали. Чиройли, ял-ял ёниб турган сўзана ва палаклар кўзни олгудек, латофатли, беғубор баҳор нафаси сезилиб турибди.

Бу ерда Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб байрам кечаси бўлиб ўтди. Кечага пойтахт Октябрь районидаги корхоналарнинг ишчилари, илғор хотин-қизлар, активистлар таклиф этилган. Октябрь район ижроия комитетининг раиси Ғ. А. Абдурасулов хотин-қизларни баҳор байрами билан табриклади. Сўзга чиққан бадиий буюмлар фабрикаси попоп цехининг илғор ишчиси, социалистик мусобақа ғолиби Р. Шарафуддинова, математика фанлари доктори, профессор М. О. Орифхонова, кўн-мўйна заводи ишчиси К. О. Ларионова ва бошқалар аёлларнинг ўтмишдаги машаққатли ҳаёти, бугунги бахти баркамоллиги, ҳар ишда илғор ва ташаббускорлиги ҳақида гапирдилар.

Байрам кечасига Ҳамза номли Давлат академик драма театри ва Мукимий номли Ўзбек давлат музикали драма театрининг бир группа артистлари меҳмон бўлиб келишди. Театр актёрлари томонидан маҳорат билан ижро этилган драматик парчалар, қўшиқ ва рақслар кеча қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

Н. УБАЙДУЛЛАЕВА.



СССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИДА КЕНГАШ

СССР Ёзувчилар союзида мамлакат ёзувчилар ташкилоти раҳбарлари ва адабий нашрлар бош редакторларининг Бутуниттифоқ кенгаши бўлди. Кенгашни СССР Ёзувчилар союзининг биринчи секретари Г. М. Марков очди. Ёзувчилар ташкилоти ҳамда адабий газета ва журналларнинг КПСС XXV съезди қарорлари ва КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш соҳасидаги вазифалар муҳокама қилинди.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети маданият бўлимининг мудири В. Ф. Шауро қатнашди.

(ТАСС).

ИЖОДКОР ЁШЛАР ТЎҒРИСИДА ҒАМХЎРЛИК

НАМАНГАН, 4 март. (ЎзТАГ). Бугун Наманган область ижодий ходимлари активининг йиғилиши бўлди. Йиғилиш қатнашчилари КПСС XXV съезди қарорлари асосида ижодкор ёшлар билан ишлашни янада яхшилаш вазифаларини муҳокама қилдилар.

Йиғилишда Наманган область партия комитетининг биринчи секретари М. Камолов нутқ сўзлади.

ИЖОДКОР ЁШЛАРГА КЕНГ ЙЎЛ

ЧУЛ ИЛҲОМИ

Партия адабиёт ва санъатни ривожлантиришга доимо эътибор бериб келмоқда. КПСС Марказий Комитетининг «Ижодкор ёшлар билан ишлаш тўғрисида»ги қарори бу соҳанинг келажаги учун қилинган яна бир ғамхўрлик бўлди. Қарорда ижодкорлар билан ишлашнинг ёрқин йўллари, истиқболлари изчил белгилаб берилди.

Коммунистик қурилишнинг улуғвор программасини дадил амалга ошираётган областимиз меҳнаткашлари орасида яшаб ижод этаётган кўплаб адабиёт ва санъат ғунчалари, кўп сонли ижодкор зиёлилар партия кўрсатган йўлдан бориб, янги инсонни тарбиялаш, чўлқуварларнинг маънавий дунёси ва маданиятини бойитиш соҳасида ибратли ишлар қилмоқдалар. Яратувчилик меҳнати ижодкорликка, ижодкорлик эса меҳнат унумдорлигига ҳамоҳанг бўлмоқда. Жиззахлик ижодкорларнинг чоп этилган тўпламлари ўқувчилар томонидан севиб ўқилмоқда. «Чўл ва инсон» мавзусида ёзилаётган ўқишли очерклар чўлқуварларимизни ҳужумкорликка даъват этмоқда. Шу мавзуда область комсомол комитети, «Жиззах ҳақиқати» ва «Джизакская правда» газеталари эълон қилаётган конкурслар ижодкор ёшлар учун синов мактаби бўлиб хизмат қилмоқда.

Бир неча йилдирки, «Жиззах ҳақиқати» газета редакцияси қошида «Талантларни излаймиз» клуби мунтазам фаолият кўрсатиб келяпти. Ҳозир клуб аъзолари сони 170 нафардан ошиб кетди.

Бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ҳам ижодкор талантларни топиб, тарбиялашда муҳим участкаларга айланиб қолди. Бу соҳада область маданият бошқармаси улкан ишларни амалга оширмоқда. Бугун областнинг барча районлари ўзларининг бадиий ҳаваскорлик коллективларига эга. Фориш район маданият бўлими қошидаги «Чорвадор» ашула ва рақс ансамбли область, республика, ҳатто Иттифоқ миқёсида доврўг таратди. Бутуниттифоқ Халқ Ҳўжалиги Ютуқлари Кўргазмасининг совриндори бўлди. Бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Бугун «Чорвадор»чилар тажрибаси барча район ҳаваскорлик коллективлари бўйлаб қулоч ёйди. Мирзачўл районининг «Пахта» ансамбли ҳам ана шундай доврўг қозонмоқда.

Ғаллаорол районининг «Олтин бошоқ» коллективи халқ ашула ва рақс ансамбли унвонига тавсия этилди. Пахтакор районидаги «Гулзор», Арнасой районидаги «Чўл гунчаси», Октябрь районидаги «Чўлқувар», Зоминдаги «Зомин лоласи», Бахмалдаги «Бахмал», Дўстлик районидаги «Дўстлик чамани», Жиззахдаги «Гул диёрим» ва «Жиззах гулдастаси», Мирзачўлдаги «Қурувчи» ансамбллари меҳнат аҳлининг севимли ҳамкорига айланди. Октябрь район маданият бўлими эса чўлқуварларнинг қўғирчоқ театрини бунёд этиш устида иш олиб бормоқда. Жиззах қурилиш материаллари комбинати маданият саройининг «Гул диёрим» ансамбли Андижонда бўлиб ўтган «Средазирсовхозстрой»нинг бадиий коллективлари кўригида 1-ўринни олди. Бу коллектив май ойида Югославия республикаси бўйлаб гастролга чиқади.

Шуни қувонч билан таъкидлаш керакки, сўнгги уч йил мобайнида областдаги мавжуд бадиий ҳаваскорлик тўгараклари сони 29 тадан 49 тага етди. Тўгаракларда қатнашаётган ҳаваскорлар сони эса икки баравардан кўпроққа ошди. Бугун ҳаваскорлик коллективлари ишида актив иштирок этаётган ёшлар сони қарийб беш минг нафарга етди. Областимиздаги олий ва ўрта махсус ўқув юртлари қошидаги бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ҳам яхши фаолият кўрсатадиган бўлиб қолишди. Бу соҳада, айниқса, Жиззах педагогика институти ва педагогика билим юртидаги ишлар диққатга сазовордир.

Бўёқ жилосида меҳнатни, қаҳрамонликларни мадҳ этиш кишига ўзгача завқ беради. Область маданият бошқармаси ёш рассомлар асарлари кўргазмасини ташкил этиб, яхши иш қилди. Бу виставкада Фориш, Бахмал, Зомин районларининг ҳаваскор рассомлари иштирок этишди. Форишлик врач И. Иброҳимов қаламига мансуб асарлар кўпчиликда катта таассурот қолдирди.

КПСС Марказий Комитетининг «Ижодкор ёшлар билан ишлаш тўғрисида»ги қарорини чуқур ва атрофлича ўрганиб, шунга ишонч ҳосил қилдикки, областимизда ижрочилик санъатига яхши эътибор берилгани ҳолда ҳайкалтарошлик, рассомлик, меъморлик, кино санъати ижодкорлари ҳамда бадиий ҳунармандчилик ихлосмандлари билан жиддий ишлаш эътибордан четда қолдирилган. Ҳолбуки, бу соҳада жуда кўп иш қилиш талаб этилади. Жиззах қулолчилигининг ўзига хос тажрибалари қўриқ область керамика саноатининг келажаги учун хизмат қилиши турган гап. Зомин, Бахмал, Жиззах районларининг 51 минг гектардан кўпроқ тоғли зоналарида область миллий боғининг ташкил этилиши бу ерда ҳайкалтарошлик ишларини жонлантиришни талаб этиши шубҳасиздир. Форишнинг «Қиз учган» қоясига солинган Ленин барельефи ҳайкалтарошликка иҳлос қўйган оддий қишлоқ врачининг ижодига мансубдир. Ушбу барельеф бир неча йилдирки, баланд тоғ чўққисидан кишилар қалбига доҳий Ленин меҳрини сингдириб турибди. Бадиий ижодкорликнинг кишиларга маънавий озиқ берадиган бундай хизматидан оқилона фойдаланиш нақадар завқли. Бу соҳада область маданият бошқармаси, табиий ва тарихий ёдгорликларни сақлаш жамиятлари қилиши керак бўлган ишлар миқёси жуда кенг. Шунинг учун биз маданият министрлигидан бу соҳада чўлқуварларга яқиндан ёрдам беришларини сўраймиз.

Республика Журналистлар союзининг область бўлими ҳам ижодкор ёшлар билан ишлашда жонбозлик қилаётир. Журналистлар союзи аъзоларининг эътиборини йирик объект бўлган — Жиззах даштини ўзлаштириш ишининг долзарб участкаларига қаратиш учун матбуот конференциялари ўтказилмоқда. Биз Ўзбекистон Ёзувчилар союзидан СССР Ёзувчилар союзига аъзолар қабул қилишни кўпайтириш ва союзнинг Жиззах область бўлимини очишга ёрдам беришларини сўрардик. Бу қўриқ область ижодкорларини жипслаштириш, ёш талантларнинг ижодий маҳсули бўлган энг яхши асарларни тўплам қилиб чоп эттириш учун қулай имкониятлар яратарди.

КПСС Марказий Комитети «КПСС Томск область комитетининг оммавий-ахборот ва пропаганда воситаларига раҳбарлиги тўғрисида»ги масалани қараб чиққандан сўнг бу қарор барча партия ташкилотларида ишлаб чиқилди. Барча район партия комитетлари шу қарор асосида зарур тадбирлар белгилаб олдилар. Ижодий ташкилотлар ҳам бу қарорнинг «Идеология ишининг самарадорлигини ошириш, бутун тарбия ишини ҳаётбахш комплекс ёндашишни қарор топтириш, замонавий кишиси шахсини камолотга етказишда оила, мактаб, меҳнат коллективининг, жамоатчилик фаолиятининг ролини юксалтириш учун матбуотдан кенг фойдаланиш зарур» деган кўрсатмаси асосида зарур тадбирлар туздилар. Мазкур қарорни муҳим ҳужжат деб қабул қилдилар. Ўз ўрнида партия ва совет ташкилотлари ҳам ана шу ҳусусда белгиларни изчил тадбирларида журналистлар ва матбуот ходимларига эътиборни кучайтириш, уларга ғамхўрликни яхшилашга алоҳида аҳамият бердилар.

Талантлар — жамиятимиз бойлиги, у келажак учун хизмат қилади, кундалик ишимизда юз берадиган нуқсонни бартараф этиш, ютуқларни мустаҳкамлашда жонбозлик кўрсатади. Халқимизнинг маънавий бойлигини ошириб, кишиларни янги зафарларга чорлайди.

С. НИШОНОВ,
Ўзбекистон КП Жиззах область комитетининг секретари.

Хўжайли пахта тозалаш заводи Қорақалпоғистон АССРдаги энг йирик корхоналардан бири ҳисобланади. Завод коллективи Қўнғирот, Шуманай, Ленинобод ва Нукус район пахтакорларини сара уруғ билан таъминлаб келади. Ҳозир 70 процентдан ортиқ уруғ тайёрлаб қўйилди. Суратларда: 1. М. Матязов, Р. Наранова, А. Кимлар уруғ сифатини кўздан кечиришмоқда. 2. Лаборантлар М. Горбунова билан С. Сапарова уруғларни анализ қилишмоқда.

Р. Саидов фотолари.

Қишлоқ хўжалик ишлари кундалиги

ВАҚТ КУТИБ ТУРМАЙДИ

Яқинда Тошкентда ўтказилган республика қишлоқ хўжалиги илғорларининг қурултойида юбилей йили социалистик мажбуриятлари қабул қилинди. Бу йил 5360 минг тонна пахта етиштирилиб давлатга сотилади, шунингдек 2,5 миллион тонна дон, шу жумладан 415 минг тонна шоли етиштирилади.

Сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари, мева ва узум етиштиришда ҳам юқори мажбуриятлар олинди.

Дала меҳнаткашлари кузги-қишки ишларни юксак кўтаринкилик вазиятида ўтказиб, юбилей йили мўл ҳосилга пухта тараддуд кўрдилар. Кўпгина майдонларда кузги шудгор намунали ўтказилди, далаларга маҳаллий ва минерал ўғит ташиб чиқариш, шўр ювиш ва суғориш ишлари яхши ташкил этилди.

Қиш қаттиқ келди. Хоразм области ва Қорақалпоғистон АССРда тупроқ катлами 30—50 сантиметр қалинликда музлаганлиги аниқланди. Бухоро областида ҳам ернинг музлаши сезилди. Бу кўпгина область ва район хўжаликларида дала ишларини ўтказиш имкониятини бермади.

Ўлкамизга баҳор ўз сепини ёя бошлади. Фақатгина бир ой, жанубий районларда эса чигит экишга ундан ҳам оз фурсат қолди. Бу даврда далаларда катта ишларни амалга ошириш керак бўлади. 500 минг гектарга яқин майдонда ер ҳайдаш ишлари ўтказмоқ, 1,4 миллион гектар шўрланган майдонларнинг шўрини ювиш, 600 минг гектар майдонда кўшимча суғориш ишлари ўтказмоқ лозим. Чигит экилгунга қадар 1,5 миллион гектар майдонга ўғит солиш, ариқсовурларни тозалаш ишларини ниҳоясига етказиб қўйиш талаб қилинади.

Ерларни чигит экишга тайёрлаш Бухоро областида ғоят қийин кўчмоқда. Бу ерда асосий кузги-қишки дала ишларини март ойида ўтказишга тўғри келади. Буни яхши ҳис этган Қоракўл, Свердлов ва Олот райони хўжаликлари ҳар бир фурсатни ғаниматдек билиб, ер ҳайдашни юқори кўрсаткичларда ўтказмоқдалар. Ҳайдаш агрегатларининг куну тун ишлаши тамъинланган. Уларнинг кунлик иш нормаси 7—8 гектарни ташкил этмоқда. Иш сифатини текшириш учун махсус кишилар ажратилган. Аммо ишни янада жадаллаштириш даркор. Қоғон, Қизилтепа ва Шофиркон район хўжаликларида экин майдонининг ҳали деярли ярми ҳайдалмаган. Бу хўжаликларда агрегатлар билан кунига 4—5 гектар майдонлар ҳайдаляпти холос. Агар иш шундай давом этадиган бўлса, ерларни экишга тайёрлаш учун камида 20 кун вақт керак бўлади. Бу йўсинда ерларнинг шўрини ювиш қачон ўтказилади, ахир? Область бўйича 2706 ҳайдов тракторидан бор-йўғи 1305 таси ишлатилмоқда. Улар қуввати билан кунига 7,5 гектар майдон ҳайдаляпти холос.

Бухоро областида юқори ҳосил олиш учун ҳамма майдонларнинг шўрини ювиш талаб этилади. Шўр ювишга тайёргарлик кўриш эса кўпгина районларда ғоят чўзиб юборилмоқда. Шўр ювиш ишига кам одам ажратилган. Бухоро районида 460 киши ўрнига шўр ювишда атиги 170, Косон районида 304 киши ўрнига 35, Свердлов районида 500 киши ўрнига 270 киши қатнашяпти, холос.

Ерларнинг шўрини ювиш Хоразм областида ҳам бошлаб юборилди. Яна бир неча кундан сўнг эса бу ишга Қорақалпоғистон АССРда ҳам киришилади. Хоразм области хўжаликларида февраль ойининг 3 ҳафтасига қадар 22 минг гектар майдоннинг шўри ювилди, ваҳолонки, бу даврга қадар 36 минг гектар майдоннинг шўри ювилиши керак эди.

Андижон, Тошкент ва Наманган области механизаторлари барча ҳайдов, чопик тракторларини, тупроққа ишлов берувчи восита ва сеялкаларни ўз вақтида сифатли ремонтдан чиқарганликлари ҳолда, республикамизнинг баъзи областларида ҳали ремонт ишлари тугатилгани йўқ. Қорақалпоғистон АССРда ҳали мингдан зиёд ҳайдов трактори, 1100 плуг, Хоразм областида эса 300 ҳайдов трактори ва 200 плуг ремонт қилинмаган. «Узсельхозтехника» ташкилотлари, Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм области колхоз ва совхоз раҳбарлари ремонт ишларининг тез кунларда тугалланишини таъминлашлари керак.

Пахта тозалаш заводларида чигит тайёрлаш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Айниқса Жиззах, Тошкент ва Сирдарё областларида чигит тайёрлаш ниҳоясига етказилди. Бу йил 700 минг гектар майдонга дориланган, сифатли чигит экилиши керак. Бунинг учун эса 30 минг тонна тозаланган чигит мавсумга ҳозирлаб қўйилмоғи лозим. Аммо бу кўрсаткичнинг эндигина ярми амалга оширилди, холос.

Уруғлик чигит тайёрлаш Самарқанд областида 36, Фарғона областида 27, Хоразм областида бор-йўғи 18 процент бажарилди. Сурхондарё областида ҳам оддий чигит ҳамда бир ва иккинчи типларга кирувчи ингичка толали уруғлик чигит тайёрлаш ишлари чўзиб юборилмоқда. Кўқон ва Кува пахта тозалаш заводларида 720 тонна чигит сифатсиз тайёрланганлиги аниқланди.

Пахта заводларида чигитни дорилаш ғоят суст олиб борилмоқда. Бу сохадаги план эндигина 70 процент бажарилди. Айниқса республикамизда биринчи навбатда чигит экиладиган жанубий Сурхондарё ва Қашқадарё области пахта тозалаш заводларида ҳамда Кўқон, Киров ва Олтиариқ пахта заводларида бу иш ғоят суст бормоқда.

Пахта беда алмашлаб экиш вилт касаллигига барҳам беришнинг, тупроқ унумдорлигини оширишнинг муҳим шартларидан бири. Алмашлаб экиш кўпгина кўрсатилган майдонларда қисқа муддатда ўтказилиши керак. Бунда айниқса уруғлик нормасига эътиборни кучайтириш керак.

Наманган, Андижон ва Фарғона областларида беда экиш намунали йўлга қўйилган. Бу область хўжаликларида шу кунга қадар планда кўрсатилган майдоннинг ярмига беда экиб бўлинди. Фарғона, Охунбобоев, Чуст, Жалолқудуқ, Москва ва Хўжаобод райони хўжаликларида беда экиш ниҳоясига етказилмоқда.

Навоий ва Ромитан районининг қишлоқ меҳнаткашлари вақтни бой бермоқдалар. Бу районларда эндигина 100 гектар майдонга беда экилган холос. Ворошилов, Сирдарё, Киров, Ўзбекистон ва Пахтаобод райони хўжаликларида эса ҳали беда экишга киришилгани йўқ.

Вақт шошилтирмоқда. Қишлоқ хўжалик ташкилотлари колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ерларни уруғ экишга тезроқ тайёрлашлари, беда ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари экишга барвақт киришишлари, чигит қадашга пухта ҳозирлик кўрмоқлари лозим.

Ҳар бир хўжаликда юбилей йили мўл ҳосили учун дала ишларини қизитиб юборишнинг графикларини тузиб чиқиш, материал-техника ресурсларини тайёрлаб қўйишни таъминлаш даркор.

Қашқадарё область, Ғузор районидаги давлат наслчилик заводининг чорвадорлари нўғилатиш кампаниясини ҳар қачонгидан ҳам пухта тайёргарлик билан кутиб олдилар. Суратда: хўжалиннинг бош чўпони Ч. Раҳимов. У ҳар юз бош совлиқдан 210 тадан нўғи олишга қарор қилган.

А. Тўраев фотоси.

КАНАЛГА СУВ КЕЛДИ

Тошкент область мелиораторлари республикада биринчи бўлиб бутун суғориш ва коллектор — дренаж шохобчаларини муддатидан икки ой илгари тозалаб бўлдилар. Қиш фаслида 11 миллион кубометрдан ортиқроқ балчиқ қазилди. Мелиораторлар хўжаликлар ичидаги майда сув шохобчаларини механизация воситасида тозалаш юзасидан катта ҳажмдаги ишларни биринчи марта колхозлар ва совхозлар билан тузилган шартномалар асосида бажардилар. Чигит экиладиган далаларда нам тўплаш мақсадида ерни суғориш бошланди.

МАККАЖЎХОРИ ЭКИШ БОШЛАНДИ

Республиканинг жанубидаги районларда маккажўхори экиш бошланиб кетди. Денов районининг генерал Раҳимов номли колхозидан Мурод Мингқобилов бошлиқ бригада маккажўхори энишга биринчи бўлиб киришди. Деҳқонлар ернинг тафти кўтарилиши биланоқ маккажўхори донини уяларига аниқ экадиган сеялкаларни далаларга елиб чиқишди. «ВИР-338» навли маккажўхори уруғи ерга гербицид билан нўшиб экилмоқда. Бу бригада 1977 йилга шартли суғориладиган ҳар гектар майдондан 80 центнердан маккажўхори дони олишга қарор қилди. Бу Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига меҳнат совғаси бўлади.

Сурхондарё областида маккажўхори экиладиган майдонни 12 минг гектарга етказиш, гектаридан ўрта ҳисобда 80 центнердан маккажўхори ҳосили олиш мўлжаллаб, қўйилган.

МОЛДАВИЯДА ЕР ҚИМИРЛАДИ

КИШИНЕВ, 5 март. (ТАСС мухбири). 4 март куни Кишиневда Москва вақти билан соат 22 дан 22 минут ўтганида ер қимирлади. Зилзила марказий Руминия территориясида, Карпат тоғида (Вранчада) жойлашган. Кишиневда зилзаланинг кучи етти баллга, Руминия билан чегарадош районларда саккиз баллга етди. «Кишинев» сейсмик станциясининг маълумотларига кўра, ер силкинаётган пайтида бошланган қаттиқ гувиллаш кучая бориб, аста-секин пасайди.

Республика пойтахтининг айрим биноларида ёрлиқлар пайдо бўлди. Айрим жанубий районлардаги эски иморатлар бузилди. Молдавия территориясида қурбонлар йўқ.

* * *

«Москва» сейсмик станциясининг маълумотларига кўра, Совет Иттифоқи Европа қисмининг бир қанча областларида ер силкиниши сезилди.

ОЛАМДА НИМА ГАП

ТАСС ва АПН мухбирлари хабар қилади

ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

СОФИЯ, 4 март. (ТАСС). БКП Марказий Комитетининг Биринчи секретари, БХР Давлат Кенгашининг Раиси Т. Живков социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари Марказий Комитетларининг Хельсинкидаги кенгаш қарорларини бажаришга, тинчлик, хавфсизлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган изчил тинчликсевар ташқи сиёсатининг ғоят катта аҳамиятини уқтириб ўтди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев сиқиқдиллик кўрсатилганлиги ва кенгаш яхши ташкил этилганлиги учун кенгаш қатнашчилари номидан ташаккур билдирди. У қардош партияларнинг вакиллари билан муҳокама қилинган асосий масалалар тўғрисида Т. Живковга ахборот берди.

Т. Живков кескинликни юмшатиш учун бундан буён ҳам кураш олиб боришнинг, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг Хельсинкидаги кенгаш қарорларини бажаришга, тинчлик, хавфсизлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган изчил тинчликсевар ташқи сиёсатнинг ғоят катта аҳамиятини уқтириб ўтди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев сиқиқдиллик кўрсатилганлиги ва кенгаш яхши ташкил этилганлиги учун кенгаш қатнашчилари номидан ташаккур билдирди. У қардош партияларнинг вакиллари билан муҳокама қилинган асосий масалалар тўғрисида Т. Живковга ахборот берди.

Кескинликни юмшатиш сиёсати давом эттирилади

Франция Бош министри Р. Барр Париждаги «Америка клуби»да бундай деди: Франциянинг ғарб билан шарқ ўртасидаги кескинликни юмшатиш сиёсатини давом эттиришга содиқлиги дипломатиямизнинг доимий ва асосий негизи бўлиб қолаверади.

Англиянинг янги ташқи ишлар министри Оуэн журналистлар уюшмасида сўзлаган нутқида шарқ билан ғарб ўртасидаги муносабатлар хусусидаги ўз фикрларини айтиб берди.

Биз, ғарбдагилар, деди у, кескинликни юмшатишни муқаррар тус олдиришни таъминлабгина қолмай, шу билан бирга кескинликни юмшатиш шарқ билан ғарб ўртасидаги иноқликка эришиш имкониятини кўпайтира берадиган ҳолатни вужудга келтириши учун ҳам қўлимиздан келган ҳамма ишни қилаверишимиз лозим.

Шарқ билан ғарб ўртасидаги ҳозирги муносабатлар асосан, стабил эмас ва ҳамон хатолар ҳамда фалокатлар чиқишидан холи эмас. Риоя этилиши лозим бўлган олтин ҳақиқат шундан иборатки, томонларнинг биронтаси ҳам мухолифликни кескинликни юмшатиш структурасининг ўзини хавф остида қолдирадиган даражага кўтаришга олиб борадиган сиёсатни ўтказмаслиги керак.

Германия Социал демократик партияси правлениесининг федерал секретари Э. Бар бундай деди: Мен ғарб билан шарқ ўртасидаги муносабатларда халқаро кескинликни юмшатиш сиёсати давом эттирилишига аминман.

У Боннда журналистлар ҳузурида гапириб, Совет Иттифоқи билан Қўшма Штатлар ўртасида стратегик қурол-яроғларни чеклаш тўғрисида иккинчи битим тузиш хусусида бир қарорга эришишни халқаро сиёсатнинг «туб проблемаси» деб атади.

Хельсинкидаги Европа кенгашида қатнашган давлатлар вакилларининг Белградда ўтказиладиган учрашуви истиқболларига тўхталиб Э. Бар айтдики, бу учрашувда Хельсинкидаги кенгашдан кейин ўтган давр мобайнида эришилган натижаларга якун ясалиши лозим.

Белградда, деб таъкидлади у, «Хельсинки негизида» ҳаракат қилиб, Хельсинкида қабул этилган қарорларни амалга оширишнинг бундан буёнги босқичи тўғрисида аҳдлашиб олиш лозим. Европа кенгашида қатнашган мамлакатлар ўртасидаги янги аҳдномалар ҳам бунга хизмат қилган бўлур эди.

(ТАСС).

КАПИТАЛ ДУНЕСИ:

Қимматчилик авж олмоқда

● **СТОКГОЛЬМ.** Швецияда озиқ-овқат маҳсулотлари кейинги ўн икки ой мобайнида 12,3 процент, кийим-кечак ва пойафзал 7 процент қимматлашди. Шу вақт ичида квартира ҳақи, иситиш ва электр энергия ҳаражатлари 11 процент кўтарилди.

● **РЕЙКЬЯВИК.** Исландияда асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархи яна оширилганлиги эълон қилинди. Нарх-наво ўрта ҳисобда 5-7 процент кўтарилди. Ёғ ва гўшт аниқса қимматлашди. Кофе нархи 29 процент оширилди.

● **ДУБЛИН.** Ирландияда кейинги ўн икки ой мобайнида асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархи кескин ошди. Сариёғ 43 процент, гўшт 40 процент қимматлашди. Кофе нархи 44 процент, чой нархи 30 процент кўтарилди. Ирландиялик истеъмолчилар уюшмасининг маълумотларига кўра, энди мамлакат аҳолиси рўзғорда ишлатиладиган газ ва суюқ ёқилғи учун 40 процент ортиқ ҳақ тўламоқда.

● **АММОН.** Тель-Авивда Исроил фунти яна икки процент девальвация бўлганлиги эълон қилинди. Бир ярим йилдан бери деярли ҳар ой миллий валюта девальвация қилинаётганлиги — Исроил экономикаси танг ҳолатда эканлигининг далилидир. Тель-Авивнинг агрессив милитаристик сиёсат йўли, унинг урушга катта ҳаражат қилаётганлиги сабабли шундай бўлмоқда.

● **БРАЗИЛИЯ.** Бултур Бразилияда нарх-наво 46,3 процент кўтарилди. Дунёдаги иқтисодий кризис мамлакат экономикасига асоратли таъсир қилди. Бразилия экономикаси пулнинг доимий қадрсизланиб бориши ва ташқи савдо балансининг катта камомади сингари қийинчиликларга дуч келди.

(ТАСС).

РУС ТИЛИНИ ЎРГАНМОҚДАЛАР

● **БРАТИСЛАВА**

Братиславада «Рус тили — тинчлик ва ҳаракқиёт тили» шиори остида Словакиядаги русшуносларнинг уюшмасининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Конференция делегатлари республика ўқув юртларида рус тили ва адабиётини ўқитишни такомиллаштириш ҳамда ана шу фанлар юзасидан янги ўқув программалари ва дарсликларини тайёрлаш, таржима ва нашриёт ишини яхшилаш соҳасида ЧКП ХУ съезди қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларни муҳокама қилдилар. Конференция қатнашчилари Москвадаги А. С. Пушкин номли рус тили институти билан самарали ҳамкорликни кенгайтириш истагини билдирдилар. Бу институт русшуносларни уюшмасига ҳар томонлама методик ва амалий ёрдам бериб турибди.

● **ВАРШАВА**

Польшада рус тилини ва Совет Иттифоқи тўғрисида кўп нарсаларни билган студентлар ўртасида конкурс ўтказилмоқда. Бу Польша — Совет дўстлиги жамиятининг бош правлениеси уюштирган тўртинчи оммавий конкурсдир. Аввал ўтказилган икки конкурс республиканинг студент ёшларига ғоят манзур бўлганди.

● **БАМАКО**

Мали Республикасида рус тилини ўрганиш тобора кенг ёйилмоқда. Мамлакатдаги кўпгина ўқув юртларида рус тили давлат тили бўлган француз тили билан бир қаторда ўқитилмоқда.

(ТАСС).

СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ҚАЙТИБ КЕЛДИ

СОФИЯ, 4 март. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Марказий Комитет секретари Б. Н Пономарев ва КПСС Марказий Комитетининг секретари М. В. Зимянин бугун Москвага қайтиб келдилар. Улар социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари марказий комитетлари секретарларининг кенгашида қатнашдилар.

Ф. КАСТРО НУТҚИ

Куба Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Куба Республикаси Давлат кенгашининг ва Министрлар Советининг Раиси Фидель Кастро Яқин Шарқдаги барча тараққийпарвар революцион кучларни империализмга ва реакцияга қарши, мустақиллик, социализм ва тараққиёт учун олиб борилаётган курашда бирлашишга даъват этди.

У Ливиянинг Себҳа шаҳрида Ливия Араб Республикаси ҳокимият олий органи бўлган Олий халқ конгрессининг сессиясида нутқ сўзлаб, араб халкларининг ва Фаластин миллий-озодлик ҳаракатининг Исроил империалистик агрессиясига, ички реакцияга ва Яқин Шарқда АҚШ бошлиқ империализм кучлари таъсирининг кучайишига қарши олиб бораётган одилона курашини Куба революцияси номидан қатъий қўллаб-қувватлади.

Ф. Кастро Ливия халқи араб революцион-озодлик ҳаракатининг шонли анъаналарини давом эттира туриб, тараққиёт йўлида янгидан-янги муваффақиятларга эришади деб ишонч билдирди. Куба ва Ливия революцияларининг империализма, мустамлакачиликка ва ирқчиликка қарши, инсонпарварлик ғояларини қарор топтириш ва ялпи тараққиётга эришиш учун курашда муштарак мақсад ва вазифаларга эгадир, деди у.

(ТАСС).

РУМИНИЯДА КУЧЛИ ЗИЛЗИЛА

БУХАРЕСТ, 5 март. (ТАСС). 4 март куни маҳаллий вақт билан соат 21 дан 22 минут ўтганда (Москва вақти билан соат 22 дан 22 минут ўтганда) Руминиянинг жануби-шарқий районларида кучли зилзила содир бўлди. Руминиянинг Ажерпресс агентлигининг хабарида айтилишича, зилзила асосан мамлакатнинг жануби-шарқий қисмида бўлган. Одамлар қурбон бўлган, айниқса Руминия пойтахти —Бухарестга катта моддий зарар етган. Руминия Президенти Николае Чаушеску мамлакатнинг бутун территориясида фавқулодда ҳолат эълон қилган.

Азият чекканларга ёрдам бериш, сув таъминоти, электр энергия, алоқа системаларини қайта тиклаш учун шошилинч чоралар кўрилди. Қутқарув операцияларида ҳарбий бўлинмалар, ички ишлар министрлигининг қўшинлари, меҳнаткашлар ватанпарварлик отрядларининг аъзолари қатнашмоқдалар.

Руминиянинг партия ва давлат раҳбар органлари аҳолини осойишталикка ва зилзила оқибатларини тезроқ тугатиш мақсадида қутқарув бригадаларига ҳар томонлама ёрдам беришга чақирди. Аҳолини сув ва энг зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга алоқадор барча ишчи ва хизматчилар ўз иш жойларига келишга даъват этилди.

Руминия Коммунистик партияси Марказий Комитети, РСР Давлат Кенгаши ва ҳукумати, деб уқтирилади Н. Чаушеску чиқарган декретда, зилзила оқибатларини тугатиш, азият чеккан аҳолига ёрдам бериш, мамлакатнинг бутун турмушини тез нормаллаштириш учун зўр қатъият билан ҳаракат қилдилар ва ҳаракат қилмоқдалар.

ХАЛҚАРО ОБЗОР

СОЦИАЛИСТИК РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДАН

Жазоир Халқ Демократик Республикасида мамлакат тарихида биринчи парламент сайлови — Миллий халқ мажлисига сайлов ўтказилди. Овоз беришда қатнашган Жазоир гражданларидан 6 миллион киши республиканинг олий қонун чиқарувчи органига асосан меҳнаткашлар —ишчилар, деҳқонлар, меҳнаткаш зиёлилар вакилларидан иборат 261 депутат сайладилар.

Янги Жазоир тарихига ўтган йилнинг охири ва шу йилнинг боши Жазоир халқининг революциядан кейинги ютуқларини мустаҳкамловчи демократик давлат муассасалари бунёдга келаётган шонли бир давр сиқатида киради. 1976 йилнинг ёзида миллий хартия — Жазоир халқ-демократик революциясини янада ривожлантириш йўлларини ва жумладан, ишчилар синфи, меҳнаткаш деҳқонлар ва прогрессив зиёлилар ўртасидаги иттифоқни мустаҳкамлаш йўлларини белгилаб берувчи программавий ҳужжат қабул қилинди. Сўнгра ноябрда ўтказилган умумхалқ референдумида мамлакатнинг биринчи конституцияси тасдиқланди. Ушбу конституциянинг лойиҳаси бўйича ўтказилган ва унда қатнашган гражданларнинг 99 процентидан ошиғи маъқуллаган референдум аслида Жазоир социалистик ривожланиш йўлини танлаб олганлигини халқ қўллаб-қувватлаётганлигинг намойиши, ҳозирги режим кенг сиёсий ва социал базасининг тасдиғи бўлди.

Республика президентини сайлаш (Революцион Кенгаш Раиси Х. Бумедьен президент қилиб сайланди), сўнгра Халқ миллат мажлиси депутатларини сайлаш демократик давлат муассасаларини жипслаштириш жараёнини поёнига етказди ва у социал-иқтисодий соҳада революцион жараённи янада чуқурлаштириш омили бўлиб қолди. Ҳозирнинг ўзида давлат сектори Жазоир саноат ишлаб чиқаришининг 90 процентини ўз ичига олади. Корхоналарда меҳнаткашлар меҳнат ташаббускорлигининг янги бир шакли — халқ контроли вужудга келмоқда. Ер ислоҳоти чоғида 1,2 миллион гектар ер давлат ихтиёрига ўтказилди ва камбағал деҳқонларга бўлиб берилди. Жазоирдаги қишлоқлар коллективлаштириш йўлига кириб бормоқда: 60 мингдан ортиқ кооперативлар барпо этилди. Жазоир революциясининг маориф соҳасидаги (мамлакатда илм олиш бепул), медицина хизмати, иш ҳақини тартибга солиш ва бошқа социал соҳалардаги ютуқлари ҳам салмоқли.

Жазоир социалистик ривожланиш йўлини танлаб олишини гарантиялаш ва бу йўлнинг республика конституцияси моддаларига суянувчи конкрет қонунларда мустаҳкамланиши халқ миллат мажлиси депутатлари олдида турган вазифадир.

ПАНАМАНИНГ ҲАҚҚОНИЙ ИШИ

Панама билан АҚШ ўртасида Панама каналининг келажак статуси тўғрисида шу йил биринчи марта олиб борилган музокаралар натижасиз тугади. Икки мамлакат вакилларининг учрашуви уларни бир-бирларидан ажратиб турган асосий проблемалар ҳал этилмай қолганлигини кўрсатди.

Панама канали тўғрисида янги шартнома тузиш хусусидаги музокаралар қарийб 13 йилдан бери муваффақиятсиз чиқмоқда. Панама канали зонасида ўзининг ҳамма суверен ҳуқуқлари тикланишини ва у ерда Американинг ҳарбий иштирокини 2000 йилдан кечиктирилмай туғатилишини талаб қилмоқда. У БМТ ҳомийлиги остида халқаро битим тузишни ҳам таклиф қилмоқда. Бундай битим Атлантика океани билан Тинч океанни бирлаштирувчи сув йўли доимо бетараф ҳолда қолишини гарантиялаган бўлур эди.

Қўшма Штатлар эса ҳатто канал чинакамига Панаманики бўлганидан кейин ҳам канал зонасида ўз «иштирокини» саклаб қолиш кераклигини талаб қилмоқда. Қўшма Штатлар бу ерда камида 50 йил мобайнида ўзининг ҳарбий базаларига эга бўлиш ҳуқуқи таъминланишига уринмоқда. Америка конгрессида канал зонасини «Американинг азалий территорияси» деб атаётган кишиларнинг позициялари жуда кучли. Сенаторлардан бири бўлса «Биз ҳалол ўғирлаб олинган канални қўлдан чиқармаслигимиз керак» деб тўғридан-тўғри айтди.

Ҳолбуки воқеа бундай бўлган эди. 1903 йилда АҚШ Панамага уни асоратга солувчи шартномани мажбуран ўтказган эди. АҚШ канал қуриш ва уни ишлатиш ҳуқуқи билан бирга Панама бўйнидаги катта бир территорияни ҳам олди. Американликлар шу территорияни амалда суверен давлат ичидаги ўз мустамлакасига айлантирди. (Унинг ўз суди, қонунлари, полицияси ва турмаси бор). АҚШ шу сув йўлидан фойдаланиш орқали йилига 1,5 миллиард доллар миқдорида пул тежаши ва бундан ташқари ҳар йили каналдан ўтувчи чет эл кемаларидан олинадиган бож ҳисобига 150 миллион доллар даромад қилиши ҳисоблаб чиқилган. Панамаликларга эса арзимаган пул берилмоқда.

АҚШнинг канал зонасига қизиқишида иқтисодий фойдадан бошқа нуқтаи назарлар ҳам бор. Канал зонаси жуда катта ҳарбий комплексга айлантирилган бўлиб, унда Латин Америкаси мамлакатлари халқларига қарши қаратилган 14 та йирик база бор.

Қўшма Штатлар неча ўн йиллардан бери Панамани талаб, унинг суверен ҳуқуқларини қўпол равишда поймол этиб келаётган бўлса-да, эндиликда илгариги аҳволни сақлаб қолишга қодир эмас. Панама канали Қўшма Штатлар билан Панама ўртасидагина эмас, балки у билан бутун Латин Америкаси мамлакатлари ўртасидаги муҳолифликнинг асосий манбаларидан бири бўлиб қолди. Бу нарса Вашингтон ўтказаётган сиёсат учун, АҚШнинг у ерда ишлаб турган 220 корпорацияси капитал маблағлари учун хатарли бўлиб қолиши мумкин.

Панама халқининг ўз миллий қадр-қимматини ҳимоя қилиш, мустамлакага айлантирилган ерларни туғатиш йўлидаги курашини Латин Америкаси жамоатчилиги, шунингдек жаҳон жамоатчилиги актив равишда қўллаб-қувватламоқда. Панамада генерал О. Торрихос ҳукумати ҳокимият тепасига келиши билан янада актив ва собитқадамлик билан олиб борилаётган бу кураш ғалаба қозонишига ҳеч бир шубҳа йўқ. Панаманинг ҳаққоний иши тантана қилажак.

ТЕЛЬ-АВИВНИНГ БОСҚИНЧИЛИК МАҚСАДЛАРИ

Араб давлатлари ва ҳукуматлари бошликларининг 6 март куни Қоҳирада очиладиган кенгаши Исроил агрессияси кенгайиб бораётганлиги натижасида Ливаннинг жанубида вужудга келган ниҳоят хатарли вазиятни асосий масалаларидан бири сифатида кўриб чиқади. Ливаннинг собиқ бош министри Сойб Саломнинг айтишича, «Исроилнинг Синай ярим оролида, Жўлон тепаликларида ҳамда Иордан дарёсининг ғарбий соҳилида катта араб территорияларини босиб олишга олиб келган қуролли агрессияси эндиликда ниқобланган шаклга ўтган бўлсада, ўша мақсадидан қайтган эмас — бу сафар гап Ливаннинг жанубини босиб олиш тўғрисида бораётир.

Исроил амалда жанубий Ливан районларининг каттагина қисмини босиб олди. Маҳаллий ўнг христиан кучларнинг ҳарбийлаштирилган отрядлари билан ҳамкорлик қилаётган Исроил қўшинлари мамлакатнинг жанубида бир қанча аҳоли пунктларини ишғол қилиб, уйларга ўт қўймоқдалар, тинч аҳолини отиб ташламоқдалар. Улар етарлича кучли қаршиликка учрамаяптилар, чунки кўп ойлар давом этган гражданлар урушида Ливан армияси майда-майда гуруҳларга бўлиниб кетган бўлиб, ҳозирча агрессорга қарши туришга қодир эмас.

Ички можарога барҳам бермоқ учун Ливанга киритилган араб давлатларининг қуролли кучлари Исроил ҳукуматининг катта қуролли интервенция бошлаймиз, деб дўқ қилганлигидан жанубий районларга кириб боришга журъат этолмади. Бу ерда Қўшма Штатлар жанубий районлар хавфсизлигини таъминлашда араб давлатлари аро кучлар қатнашувига Ливан ҳукуматини рози бўлмасликка даъват этиб, амалда Тель-Авивнинг мана шу пўписасига кўмак берганлигини айтиб ўтмоқ лозим. Американинг Ливандаги янги элчиси Паркер Вашингтон яхши хизмат деб кўрсатаётган мана шу шубҳали «воситачилик»да алоҳида активлик кўрсатмоқда.

Натижада тинч аҳолидан ўн мингдан ошиқ киши мамлакатнинг жанубий зоналаридан қочишга мажбур бўлди. Маржаюн билан Набатия ўртасидаги жойларда Исроил қўшинлари ва ўнг христиан кучларининг отрядлари билан миллий ватанпарвар кучлар ва Фаластин қаршилик ҳаракатининг бирлашган отрядлари ўртасида қаттиқ жанглар бормоқда. «Ал-Анвар» газетасининг ёзишича, Ливан ҳукуматининг фикрича Исроил агрессияси «Яқин Шарқда портлаш хавфини туғдирмоқда ва шу регионда бутун тинчликни тиклаш жараёни барбод бўлиш хавфини вужудга келтирмоқда».

Тель-Авивнинг Ливан жанубидаги иғвогарликлари унинг Яқин Шарқдаги можаронн бартараф қилишни барбод этиш ҳамда араб ерларини босиб олишни давом эттириш борасида тутаётган умумий йўлининг бир қисмидир.

Вужудга келган шароитда араб давлатлари ва даставвал Ливан Женева конференциясини Яқин Шарқдаги тангликни сиёсий жиҳатдан одилона ва муқаррар бартараф этишга эришиш имкониятини берадиган бирдан-бир анжуман ва омил деб қисоблайдилар. Фаластинликларнинг қонуний миллий ҳуқуқларини тиклаш ва мустақил Фаластин араб давлатини барпо этиш можаронн ана шу йўл билан бартараф қилишнинг энг муҳим омилларидан бири бўлмоғи кераклиги табиий бир ҳолдир. Бу нарса Ливан Республикасининг суверенитети ва территориал бутунлигини гарантиялаб бериш билан бирга Яқин Шарқда Ливан ганглиги янада кескинлашаётганлиги натижасида вужудга келган портлаш хавфи бўлган ҳозирги вазиятни юмшатишга имкон берган бўлур эди.

Ю. ТИССОВСКИЙ,
А. АЛЕКСАНДРОВ,
С. ЛОСЕВ,
(ТАСС).

ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЁЗИЙ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 88 ЙИЛЛИГИГА

ЖАНГОВАР КУРАШЧИ, ОТАШИН КУЙЧИ

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги арафасида босиб ўтган йўлимизга бир қайрилиб қарасак, бугунги оламшумул-тарихий ғалабаларимизга замин тайёрлашда фидокорона хизмат қилган кишилар кўз олдимизга келади. Ана шундайлардан бири Ҳамзадир.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий 1889 йил 7 мартда Қўқон шаҳрида меҳнаткаш зиёли оиласида туғилди. Отаси ўқимишли бўлгани учун уйда ўқиб, 9 ёшда ўзбекча ва форсча тамом саводли бўлиб олди. Сўнг мадрасага берадилар. Лекин мадраса дарслари, диний схоластика Ҳамзага ёқмайди, ундан кетиб, ўзича мустақил ўқишга берилади. Қобилиятли, зийрак ва ҳаракатчан Ҳамза рус тилини севиб ўрганди, ўзбек, форс-тожик адабиётлари ҳамда рус адабиёти классиклари асарларини қунт билан ўрганди. Шу билан бирга, атрофдаги ижтимоий ҳодисаларни кузата боради. Уша вақтда чиқиб турган газета ва журналларни ҳамда революцион варақаларни ўқиб туради. Унинг эътиборини бойлар, руҳонийлар ва подшо истибдоди панжасида эзилган, қуллик ва жаҳолатда тутиб турилган кенг омманинг оғир аҳволи ва бу оммани азобли ҳаётдан қутқазиш ғояси жалб қилади. Халқ бахт-саодати йўлида хизмат қилиш тилаги унинг асосий мақсадига айланади.

Бу жаҳонда ком, ноком
ўтгуси ҳар кас, Нихон,
Ҳарна қилким. ёдгоринг
қолгудек эъзоз топ! —

деган эди 1913 йили ёзган бир шеърида. У яна «Илм иста!» шеърида (1914) шундай дейди:

Оламнинг ҳуршиди кундир,
одамнинг ҳуршиди илм,
Оламнинг зулмоти тундир,
одамнинг — нодори илм.
Ҳар муроду мақсадингга
етмоқ истарсан мурод,
Кўз очиб бедор бўл:
даркор илм, даркор илм.

Ҳамза халқни илм-маърифатга чақириш билан кифояланиб қолмайди, бу йўлда амалий иш ҳам олиб боради. 1910 йили Тошкентда, сўнг Қўқон ва Маргилон шаҳарларида янгича мактаб очиб, ўқитувчилик қилади. У кенг халқ оммасига маориф таркатишни назарда тутиб, мактабига барча болаларни жалб қилишга интилади. Камбағал оиладан чиққан болаларнинг ўқий олишлари учун текин мактаблар очиш масаласини қўйди. Бу билан Ҳамза маорифчилиги жадидлардан кескин фарқ қилади.

Ҳамза очган мактаблар кенг меҳнаткашлар оммасини маърифатли қилишни кўзлагани учун чор ҳукумати, маҳаллий бойлар ва руҳонийлар қаршилигига дуч келади, мактабни ёпадилар ва ўзини таъқиб қиладилар. У тузган дарслик ва қўлланмалар нашр этилмай, қўл ёзмалигича қолиб кетади.

Ҳамза ўзбек халқининг маданий тараққиёти ҳақида қайғурар экан, мамлакатимиздаги бошқа халқлар ютуқлари, тажрибаларидан фойдаланиш масаласини олға суради. Шу муносабат билан у рус халқи билан биродарликка, унинг илғор маданиятини ўрганишга, бунинг учун рус тилини билишга чақириб, 1914 йили «Садои Фарғона» газетасида махсус мақола билан чиқади.

Ҳамза бойлар ва руҳонийларнинг золимликларини, халқни қуллик ва жаҳолатдан қутқазишни истамаганликларини фош этишда тобора илгари боради. Бу айниқса унинг «Заҳарли қаёт ёхуд ишқ қурбонлари» (1916) пьесасида аниқ ифодаланган. Асарга «Заҳарли ҳаёт» деб ном қўйилишининг ўзи Ҳамзанинг эски ҳаётга муносабатини очиқ кўрсатади.

Халқ билан бирга бўлиш, унинг озод ва бахтли бўлиши учун кураш Ҳамзани социалистик инқилоб ғояларини тезроқ англашга олиб келади. Ҳамза Улуғ Октябрни зўр қувонч билан кутиб олади. Революция мамлакатимиз халқларига озодлик ва тенглик берганини, иқтисодий ва маданий тараққиёт учун кенг йўл очиб берганини Ҳамза чуқур ҳис этади. Унинг ижодий фаолияти ҳам кенг қулоч ёйди. У меҳнаткаш оммага мурожаат қилиб «Бизнинг бахтга қуёш чиққан кундир бу кун» дейди. Туркистон ўлкасида социалистик революция ғалаба қозониб, Совет ҳокимияти барпо этилганлигини «Шарққа қуёш чиналб чиқди» деб таърифлайди.

Улуғ революцияни, ишчи ва деҳқонлар ғалабасини куйлаш Ҳамза ижодида асосий ўринни эгаллайди. У «Яша, Шўро!» деб совет ҳокимиятини баланд овоз билан куйлайди.

Яша Шўро, яша Шўро!
Сен яшаётган замон.
Ишчи ўғли, шуҳратингдан
Балқисин рўйи жаҳон!

Кўнгли қувонча тўлиб, илҳоми жўш ўрган Ҳамза Октябрь революцияси темасида қатор қўшиқлар яратади — «Биз ишчимиз», «Хой, ишчилар», «Берма эркингни қўлдан!», «Яшангиз, ишчи-деҳқонлар!». Бу қўшиқларнинг куйини ҳам ўзи тўқийди. Пьесалар ёзади — «Бой ила хизматчи», «Ишчилар ҳаётидан», «Тухматчилар жазоси» ва бошқалар. Буларни ўзи саҳнага қўяди. У шоир ва композитор, драматург ва режиссёр, педагог ва шу билан бирга публицист бўлиб хизмат қилади. Коммунистик партия ва Совет ҳокимияти ғояларини меҳнаткашлар оммаси орасига кенг гарктаади. Бунинг учун санъат ва адабиётнинг барча соҳалари ва имкониятларидан самарали фойдаланади. Ҳамза гражданлар уруши йилларида интервентлар ва босмачиларга қарши актив курашувчилар сафида бўлади. 1919 йили ўзи бош бўлган театр труппаси коллективи билан Туркистон фронти Сиёсий бошқармаси ихтиёрига ўтиб, Закаспий ва Фарғона фронтларида, Қизил Армия қисмлари ва аҳоли ўртасида хизмат қилади. Труппа Ҳамза ёзган «Бой ила хизматчи», «Фарғона фожиаси», «Лошмон фожиаси» пьесаларини кўрсатади, Ҳамзанинг революцион қўшиқлари ва куйларини ижро этади.

Мамлакатимиз ички ва ташқи душманларнинг қуролли ҳужумларини енгиб, тинч қурилиш ишига ўтган даврда ҳам Ҳамза актив фаолият кўрсатди, социализм қурувчиларининг олдинги сафида боради. 1921—1925 йилларда Бухоро, Хоразм ва Қорақалпоғистонда, 1924—1927 йилларда Қўқон ва Фарғонада, 1928—1929 йилларда Шоҳимардон қишлоғида ўқитувчи, маориф раҳбари, театр труппалари ташкилотчиси вазифаларида хизмат қилади. Республикада ер-сув ислоҳотларини ўтказиш, хотин-қизлар озодлиги учун кураш, маданий инқилоб масалаларини амалга ошириш ишларида актив иштирок этади. Бу муҳим масалаларга бағишлаб адабий ва мусиқий асарлар яратади.

Чин инсон, оташин куйчи ва тинмас курашчи Ҳамза халқ кўнглида тобора катта ҳурмат ва эътибор қозона боради. Буни кўролмаган бир гуруҳ ашаддий синфий душманлар унга суиқасд қиладилар, 1929 йили 18 март куни у Шоҳимардон қишлоғида вафоти ёлдирилади.

Инқилоб солдати сифатида ҳалок бўлган Ҳамза бутун улуғворлиги билан унинг номи берилган мактаб, театр, район ва шаҳарлар қиёфасида ҳамиша барҳаётдир. Унинг асарлари халқ кўнглидан муносиб жой олгандир.

Ҳамза ўзининг илк асарлари билан ўтмиш адабиётимизнинг илғор анъаналарини давом эттириб келиб, Октябрь революцияси кунлари яратган шеър, қўшиқ ва драмалари билан янги адабиёт, ўзбек совет адабиётини бошлаб берди, унинг асосини қурди.

Ҳамза Совет ҳокимиятининг биринчи кунларидан бошлаб жамиятимизнинг ҳар бир тараққиёт босқичларида Коммунистик партия томонидан совет халқи олдига қўйилган вазифаларни бажаришда доимо биринчи сафларда бўлди. Ижодий фаолиятини халқ ҳаёти ва кураши билан боғлаб олиб борди ва унга фидокорона хизмат қилди. Унинг ижоди коммунистик партиявийлик, халқлар дўстлиги ва пролетар интернационализми руҳи билан суғорилгандир. «Унинг жўшқин овози ва қўшиқлари, шеър ва драмалари, — дейди улкан совет шоиримиз Н. С. Тихонов — бахтли келажак учун олиб борилган курашларда байроқ янглиғ юксалди, унинг ўзи эса барча замонлар ва халқларнинг муқаддас байроғи — Октябрь байроғига садоқат тимсоли бўлиб қолди».

Ю. СУЛТОНОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.



ФОТОЛАВҲАЛАР

Андижон бадиий буюмлар фабрикасининг қўли гул чеварлари яратаётган буюмлар мамлакатимизда кенг шуҳрат топган. Фабриканинг илғор ишчиси Гулнора Султонова шу кунларда Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги юбилейига муносиб совға тайёрлашда жонбозлик кўрсатмоқда. Юқоридаги суратда: Г. Султонова ва унинг шогирди О. Исмоилова.

Пастдаги суратда: Тошкент пластмасса ва кимёвий рўзғор буюмлари заводининг илғор ишчиси Ҳабибулла Абдуллаев. У ўн тўрт йилдан буён шу корхонада меҳнат қилиб келмоқда. Айни вақтда октябролди меҳнат вахтасида туриб ишлаб, меҳнатда янгидан-янги ютуқларни қўлга киритмоқда.

А. Кудряшов ва И. Глауберзон фотолари.

АЖОЙИБ КИШИЛАР ҲАЁТИДАН ҚАТРАЛАР

Физик олимлар ҳаёти билан танишсангиз, қизиқарли маълумотлар топиш мумкин. Қуйида улар ҳаётидан айрим қатралар ўқийсиз.

● Бахор фаслининг илк ойи мартда жуда кўп олимлар дунёга келган. Алихонов, Араго, Альвен, Брэгг, Вавилов, Бунзен, Векслер, Ган, Дебай, Декарт, Ф. Жолио-Кюри, Зельдович, Лебедев, Ом, Попов, Рентген, Эйнштейн март ойида туғилганлар. Тилга олинган олимларнинг барчаси мабодо, айни бир даврда яшаган бўлсалар эди, март ойида ҳар куни икки-уч марта уларнинг туғилган кунларини нишонлашга тўғри келарди.

● Гамильтон, Максвелл, Томсон, Паскаль, Боголюбов сингари олимларда мустақил тадқиқотлар олиб бориш фазилати жуда ҳам эрта уйғонган. В. Томсон ўн ёшида Глазго университетининг талабаси бўлган. 22 ёшида эса, шу дорилфунунннинг профессори даражасигача кўтарилди. Йигирма ёшли Гамильтон эса коллежни тугатмай туриб, шу ўқув юртининг профессори қилиб тайинланган эди.

● Ажойиб олим Николай Николаевич Боголюбовнинг ҳаёт йўли жуда ибратлидир. Академик Н. Крилов 14 ёшли В. Боголюбов билан суҳбатлашиб, унинг истеъдодига ғаш берди. Уни ўзига шогирд қилиб олди. Орадан бир йил ўтгач, шогирд ўзининг дастлабки илмий мақоласини ёзди. Ўшанда у етти синф маълумотига эга бўлган. 15 ёшли Н. Боголюбов халқ маорифи комиссариатининг махсус қарори билан аспирантура қабул қилинган. 17 ёшида эса математикали физика кафедрасининг ходими бўлди.

Физик олим Паскаль ҳам илм-фан соҳасига улкан ҳисса қўшган олимлардан бири. У ўзининг дастлабки математик рисоласи — «Конуссимон кесишмалар бўйича тадқиқотлар»ни 15 ёшида ёзган. У 18 ёшида ҳозирги арифмометрга ўхшаш ҳисоблаш машинаси яратган.

✦ СПОРТ ✦ СПОРТ ✦ СПОРТ ✦ СПОРТ

СССР ЧЕМПИОНАТИ

КУРАШ ГИЛАМИДА

Республика пойтахтининг кўркам биноларидан бири, мухлисларнинг севимли маскани — марказий «Юбилей» спорт саройи яна газжумлашиб қолди. Спорт кошонасининг чароғон залида классик кураш бўйича мамлакат шахсий чемпионати ўтказилди. Зални ёритиб ўтирган ишқибозлар таниқли полвонлар — мамлакат, Европа ва жаҳон чемпионлари, олимпиада ўйинларининг совриндорларини самимий қаршиладилар. Меҳмонларни республика Министрлар Совети ҳузуридаги физкультура ва спорт комитетининг раис ўринбосари Ю. Егоров табриклади ва уларга бўлажак беллашувларда муваффақиятлар тилади.

Катта залга ёзилган 4 та кураш гиламида беллашувлар бошланди. Куч синашувни биринчи бўлиб 62 килограмм вазнли нурашчилар бошлаб беришди. Арман курашчиси Григорян билан туркман полвони Литвинов беллашувида ашхабодлик йигитнинг қўли баланд келди. Урта вазнлилардан Лебедев билан (Эстония) Жугели (Грузия) беллашуви ҳам мухлисларда қизиқиш уйғотди. Бу олишувда эстон полвони ғолиб келди. Озарбайжонлик Абдишев билан армانистонлик Миносян кураши ҳам узоққа чўзилмади. 7 минут давом этган куч синашувда Озарбайжон курашчиси соф ғалабага эришди. Ниҳоят мухлислар ёрдиқий нутган меэбон — тошкентлик А. Гришко билан волгоградлик халқаро классли спорт мастери В. Ивашечкин гиламга чиқдилар. Бу беллашувда маҳоратли ё ҳаққонлик кўл келиши муаммо эди. Чунки тажрибали, катта кураш майдонларида беллашиш ҳадисини олган волгоградлик полвоннинг ғолиб келиши табиий эди. Зеро, тошкентлик ёш полвон бўш келмади. У чапдастлик қилиб, мухлислар олқишига сазовор бўлди.

Тошкентдаги кураш гиламида жами 300 га яқин спортчи ўзаро беллашади. Улар орасида 12 хизмат кўрсатган спорт мастери, 47 халқаро классли спорт мастери ва 220 спорт мастери бор. Кўрниб турибдики, спорт гиламида энг кучлилар ўзаро беллашадилар. Мамлакат чемпионлиги учун ўтказилган дастлабки саралаш мусобақалари беллашувлар шиддатли бўлишини кўрсатди. Бугун чемпион номига сазовор бўлганлар фахрий супанинг юқорисига кўтариладилар.

Ғ. РАҲМАТУЛЛАЕВ.

ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДА ХАЛҚАРО ТУРНИР

ЧССР—МУСОБАҚА ҒОЛИБИ

Ўсмирлар ўртасида ўтказилган халқаро турнир нихоясига етди. Сўнгги тур ўйинлари биринчи группа командалари мавқеига деярли ўзгариш киритмади. Иккинчи группада эса нутилмаган воқеалар бўлди. Чунончи, беш очко билан пешнасамлин қилиб турган ГДР футболчилари ЧССР командаси билан ўйинда дарвозаларидан жавобсиз кўш тўп ўтказиб, имкониятларини бой бердилар. Учинчи ўриндаги чехословакиялик футболчилар эса 6 очко билан группа ғолиби бўлиб қолишди. СССРнинг иккинчи командаси украинф-футболчилари билан учрашиб (0:1), қимматли 2 очко йўқотишди ва эгаллаб турган мавқеларини бой беришди. Финляндия — Ўзбекистон, Польша — Венгрия ўйинида 3:1 ва 1:0 ҳисоби қайд қилинди.

Кеча финал учрашувлари ҳам бўлиб ўтди. «Пахтакор» стадионида куч синашган СССРнинг биринчи командаси иккинчи ўринни эгаллади. Футболчиларимиз дарвозасига ягона тўп киритган ЧССР футболчилари турнир ғолиби бўлдилар. 3-4 ўрин ГДР ва Ўзбекистон (2:1). 5-6 ўрин Польша ва СССР-2 (0:0). 7-8 ўрин Украина ва Венгрия (1:0). 9-10 ўрин Болгария ва Финляндия (1:0) командалари ўртасида баҳам кўрилди.

Б. БАКЛУНОВ,
мусобақа бош судьяси.

Редактор ўринбосари
Х. ЕДГОРОВ.

Реклама ВА ЭЪЛОНЛАР

ОМОНАТ КАССАЛАРИНИНГ НАКД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

ОМОНАТ КАССАЛАРИ — ОМОНАТЧИНИНГ ТОПШИРИҒИГА БИНОАН ШАХСИЙ СЧЕТИНГИЗДАН КВАРТИРА, ЭЛЕКТРОЭНЕРГИЯ, ГАЗ, ТЕЛЕФОН, БОЛАЛАР БОҒЧАСИ ВА БОШҚА КОММУНАЛ ХИЗМАТ ҲАҚЛАРИ УЧУН ТЎЛОВЛАРНИ ЎТКАЗАДИ.

Омонат кассаларининг накд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш хизматидан фойдаланиб омонатчилар ўз вақтларини тежаб омонат кассаларига бормасдан ҳар қандай тўловларни тўлашлари мумкин.



ОМОНАТЧИ БУ ОПЕРАЦИЯЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН ОМОНАТ КАССАСИГА ЎЗ ШАХСИЙ СЧЕТИДАН УЧ ОЙ, ОЛТИ ОЙ, БИР ЙИЛ ВА БОШҚА МУДДАТЛАРНИ КЎРСАТИБ МУАССАСАЛАР, КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРГА ТЕГИШЛИ ҲАР ҚАНДАЙ ТЎЛОВЛАРНИ ЎТКАЗИШ ҲАҚИДА ТОПШИРИҚ БЕРСА КИФОЯ.

Накд пулсиз ҳисоблар бўйича чакана ва узоқ муддатли топшириқларни расмийлаштириш учун омонатчи зарур бўладиган бланкаларни хоҳлаган омонат кассасидан олиши мумкин.

ОМОНАТ КАССАЛАРИНИНГ НАКД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШИДАН ФОЙДАЛАНИНГ ВА ҚИММАТЛИ ВАҚТИНГИЗНИ ТЕЖАНГ!

ДАВЛАТ МЕҲНАТ ОМОНАТ КАССАЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА БОШҚАРМАСИ.

«ЮНОСТЬ-402» ТЕЛЕВИЗОРИ

САФАРДА ВА УЙДА ДОИМО СИЗ БИЛАН

«ЮНОСТЬ-402» ТЕЛЕВИЗОРИ ЭЛЕКТР ТАРМОҒИДА, АВТОМОБИЛЬ ВА АВТОНОМ АККУМУЛЯТОРЛАРДА ИШЛАЙДИ.

Шунинг учун уни доимо ўзингиз билан олиб юришингиз мумкин.

У сифатли тасвир билан Сизни ҳуҳвад қилади.

«ЮНОСТЬ-402» ТЕЛЕВИЗОРИ ЮҚОРИ ТЕХНИК ПАРАМЕТРГА ВА ЧИРОЙЛИ БЕЗАКГА ЭГА.

Экран ҳажми диагонали бўйича — 31 сантиметр.

Баҳоси — 28 сўм.

ЦКРО «РАДИОТЕХНИКА».

Газетхон илҳоми

ТОНГ

Ҳаёт боғларида бугун янгигина гул очиб,
Тонг туғилди, қадамлари омадларга
ёр бўлсин.
Бошимиздан оппоқ-оппоқ қор гуллари
сочилди,
Самоватнинг ҳиммитидан ўлка
ризқ-рўзга тўлсин.
Она-юртим сийнасида бошланди янги
қўшиқ,
Бир қўшиқки, оҳанглари юксак
ҳисларга йўлдош.
Биз куйлаймиз шу қўшиқни даврада
бугун шошиб,
Сен ҳам қўшил, севинчлари порлаб
турган замондош.

Маъфура МУҲАМЕДОВА.

ГУЛ ВА ТИКАН

Майса, кўнат бўлиб гул билан тикан
Қулф уриб ўсаркан иккиси бирга —
Иккиови икки хил орзуси туғён
Ураркан, ўсса ҳам улар бир ерга.

Гул истаркан сочиб ҳушбўй ҳидини,
Забт этсам деб инсон қалбин, димоғин.
Чарҳлаб тикан ҳар кун ўткир тиғини
Азоб берсам деб кўзлар одам оёғин.

ТУРТЛИК

Айтчи менга, мажнунтол,
Шохларинг эгик — не ҳол?
Ёки тупроқ севгингга
Ҳадя этганми висол?!

Отабек ФАРМОНОВ.

Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз

Телевидение

6 МАРТ, ЯКШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Гимнастика. 10.30 — АБВГДейка. 11.00 — Мусиқали программа. 11.30— Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик. 12.00 — **Фигурали учиш бўйича жаҳон чемпионати.** Эркин программа (эрканклар). 13.30 — **«Қорқиз»** (бадиий фильм). 15.25 — **«Здоровье».** 15.55 — **«Ҳамдўстлик».** 16.35— «Мўъжизасиз-мўъжиз а л а р». 17.35—**Фигурали учиш бўйича жаҳон чемпионати.** Кўргазмали чиқишлар. 20.35 —**«Икки капитан».** (бадиий фильм, 3-серия). 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — Эстрада программаси. 00.05 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.10 — Янгиликлар. 10.20— **Куйланг, ёш ҳонандалар.** 10.50 — Ўзбек совет поэзиясининг антологияси. Гафур Ғулом. 11.10— До-ре-ми-фа-соль. 11.40 — **«Олтин шоҳ»** (бадиий фильм). 12.50 — Кўча ҳаракати хавфсизлиги учун. 13.30 — Жаҳонинг машҳур композиторлари. Ф. Шопен. (2-кўрсатув). 14.10 — Коммунистлар ҳақида ҳикоялар. 14.20 — Кинооскран янгиликлари. 18.05 — **«Искорка».** 18.35 — БАМ қурилиши мехмонда. 19.15 — Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига. 19.45 — **«Ахборот».** 20.00— А. П. Чехов. «Турфа кангоолар» (телетеатр). 21.00 — **«Ахборот».** 21.20 — Лирик концерт. 22.00 — **«Вақт»** (Москва). 22.30 — **Янги қаҳрамонлар ҳақида ҳикоялар.** 22.45 —**«Омадли «Чўртан» командири»** (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

17.55 — Фрунзе кўрсатувлари.

7 МАРТ, ДУШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Зарядкага сафланинг. 10.30 — **«Будильник».** 11.00 — **Совет Иттифоқига хизмат қиламан.** 12.00 — **«Орлёнок».** 13.00 — Мусиқали киоск. 13.30 — Қишлоқ янгиликлари. 14.30 — **«Виборг томони»** (бадиий фильм). 16.20 — Телефильм. 16.50 — Нодир мусиқали асарлар. 17.45 — Халқаро панорама. 18.15— Концерт. 18.30 — Мультфильмлар. 19.00 — Янгиликлар. 19.10 «Ҳамма нарсани билишни истайман» (киножурнал). 19.20 — **Киносаҳначилар клуби.** 20.20 Балет артистларининг концерти. 20.45 — **Икки капитан** (бадиий фильм, 4-серия). 22.00— **«Вақт».** 22.30 — Театр учрашувлари. 24.00 — Чет эл эстрадаси оҳанглари. 00.35 — **Классик кураш бўйича СССР чемпионати** (финал. Тошкентдан олиб кўрсатилади). 01.05 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.10 — **Янгиликлар.** 10.20— **Телеминиатюралар.** 11.00 — «Қувноқ стартлар». 12.00 — «Гулдаста» (Фильм-концерт) 12.30 — **Киноактёр билан учрашув** (Олег Видов). 13.30 — «Мушоира этади давом...» 14.05 — **Классик кураш бўйича СССР чемпионати** (репортаж). 18.00 — **Бутуниттифоқ болалар музиқаси ҳафталигининг ёпилиши.** 18.00 — **Мультфильмлар.** 18.25 — Ўсмирлар учун кўрсатув. 18.55 — Ҳужжатли фильм. 19.15 — «Ватанпарвар» программаси. 19.45 — **«Ахборот».** 20.00 — **«Қизлар давраси».** 21.00 — **«Ахборот».** 21.20 — **«Куйланг, ёш ҳонандалар».** 21.50 — **Мультфильм.** 22.00 — **«Вақт»** (Москва). 22.30 — **Эфрейтор Збруэвнинг етти қайлиги** (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Ҳужжатли фильм. 19.35 — **«Матонат»** (бадиий фильм). 20.50 — **Янгиликлар.** 21.05 — «Танишайлик» (фильм-концерт).

Радио

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Лирик концерт. 9.15 — «Тасассум». 11.15 — Эрталабки салом (Москва). 12.10 — Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — Беш йиллик илғорлари ҳақида ҳикоя қиламиз. 13.30 — Беш йиллик илғорлари, Сизлар учун (концерт). 14.00 — 60 йилликка — 60 центнердан. 15.10 — Рус тили ўқитувчиларининг малакасини ошириш — муҳим вазифа. 15.25 — Қўшиқ билан учрашув. 16.10 — «Трибунал». «Еш гвардия» театри спектаклининг радиомонтажи. 17.40— Дам олиш киноафишаси. 18.00 — Халқаро шаҳмоначилар даврасида (Москва). 18.30 — **Ф. Содиқов, Т. Тошматов «Янги Тошкент»** (вокал-сюита). 19.00 — Бизнинг радиопочта. 19.20 — «Ёшлик» радиостанциясининг программаси. 20.25 — Ш. Алимқулов, Т. Тўраев куйлайди. 21.00 — «Ялла» вокал-чолғу ансамбли ижро этади. 22.00 — «Тасассум» (такрори). 22.45 — Чангда А. Муталов чалади. 23.10 — Классик кураш бўйича СССР чемпионатида. 23.20 — Дам олиш концерти.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 6/III да **Севги ҳақида қисса** (12.00). **Риголетто** (19.00), 7/III да **Испан миниатюралари** (19.00), 8/III да **Байрам концерти.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 6/III да **Қор маликаси** (кундузи). **Қиёмат қарз** (кечқурун), 8/III да **Келинлар кўзгоҳлари** (кундузи), **Кўрмайин бостим тиконни** (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 6/III да **Гулбаҳор қизи**; 7/III да **Йиллар ўтиб**, 8/III да **Ўжарлар** (кундузи), **Йиллар ўтиб** (кечқурун).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА —6/III да **Ишқ қурбонлари** (12.00).

Кино

САНЪАТ САРОЙИ — **Улар Ватан учун жанг қилдилар** (катта зал. 11, 14, 17, 20.00).

Ҳимоя учун сўз — «ҚОЗОГИСТОН» (11, 12, 13, 19, 21.00), «ДРУЖБА» (17.40, 19.20, 21.00), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ (12, 14, 21.30), ҲАМЗА номли (тоқ соатларда).

Ганг узра тонг — «НУКУС» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45), «МОСКВА» «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Коммунист ҳақида қисса — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (10, 21.00).

Нодирабегим — «ҚУҚЧА» (11, 13, 15, 17.00).

Кексалар учун эрмак — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (16, 18, 20.00).

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими Давлат комитети коллективи республика инспекциясининг бошлиғи А. А. Абдуғани евга отаси

Абдуғани ЙЎЛДОШЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг фалсафа, иқтисод ва юридик фанлари бўлимлари ҳамда Иқтисод институти коллективи шу институт директорининг ўринбосари, иқтисод фанлари доктори А. А. Абдуғаниевга отаси

Абдуғани ЙЎЛДОШЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 * ТЕЛЕФОНЛАР: Коммутатор — 330249 дан 330258 гача Эълонлар — 338142

Р. 14227. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583 Г. — 55.